12. Если одна из сторон спора не является в арбитражный суд или не участвует в разбирательстве своего дела, другая сторона может просить суд продолжить разбирательство и вынести свое окончательное решение. Отсутствие одной из сторон в суде или неучастие одной из сторон в разбирательстве дела не является препятствием для разбирательства.

13. Арбитражный суд может заслушивать встречные иски, возникающие непосредственно из существа спора, и выносить по ним решения.

14. Если только арбитражный суд не примет иного решения, исходя из конкретных обстоятельств дела, судебные издержки, включая оплату услуг членов суда, стороны спора делят между собой поровну. Суд регистрирует все свои расходы и представляет сторонам окончательный отчет об этих расходах.

15. Любая Сторона настоящей Конвенции, которая имеет в предмете спора интерес правового характера и может быть затронута в результате решения по данному делу, имеет право принять участие в разбирательстве с согласия суда.

16. Арбитражный суд выносит свое решение в течение пяти месяцев после даты своего учреждения, если только он не сочтет необходимым продлить этот срок на период, не превышающий пяти месяцев.

17. Решение арбитражного суда сопровождается объяснением причин. Решение его является окончательным и обязательным для всех сторон спора. Арбитражный суд доводит свое решение до сведения сторон спора и секретариата, секретариат направляет полученную информацию всем Сторонам настоящей Конвенции.

18. Любой спор, который может возникнуть между сторонами относительно толкования или выполнения решения суда, может быть передан любой стороной в арбитражный суд, который вынес это решение, или — при невозможности воспользоваться услугами последнего — в другой суд, создаваемый с этой целью таким же образом, что и первый.

## ИККИ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМАЛАР — ДВУСТОРОННИЕ ДОГОВОРЫ

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Сингапур  
Республикаси Ҳукумати ўртасида иқтисодий ва гуманитар  
ҳамкорликнинг асосий йўналишлари тўғрисида  
**БИТИМ**

*Сингапур, 2007 йил 25 январь*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 июндаги  
ПҚ-648-сон қарори\* билан тасдиқланган*

*(2007 йил 5 сентябрдан кучга кирган)\*\**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Сингапур Республикаси Ҳукумати,  
бундан буюн «Томонлар» деб аталувчилар,

икки давлат имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳамда ўз халқларининг  
турмуш тарзини кўтариш мақсадида ўзаро савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва  
гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ниятида,

шартномавий-ҳуқуқий асосни ҳамда ўз халқлари ўртасида ўзаро манфаатдор-  
лик, узоқ муддатли ва барқарорлик асосида савдо-иқтисодий, sanoat, илмий-техни-  
кавий ва гуманитар ҳамкорликни ўзаро ривожлантириш шароитларини яратиш  
мақсадида,

халқаро ҳуқуқнинг амалдаги нормалари, тенг ҳуқуқлилиқ, ўзаро манфаат прин-  
ципларига мувофиқ ҳамда ҳар бир давлатнинг амалдаги қонунлари доирасида,

**қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:**

### **1-модда**

Томонлар икки мамлакатнинг тараққиёти йўлида савдо-иқтисодий, илмий-тех-  
никавий ва гуманитар алоқаларни ривожлантириш, мустаҳкамлаш ва кенгайтириш  
мақсадида барча имкониятларидан фойдаланадилар.

Томонлар ўртасидаги савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва гуманитар ҳамкор-  
лик Томонларнинг стратегик манфаатларига жавоб берадиган узоқ муддатли ҳам-  
корлик, тенглик, ўзаро манфаат принципларига асосланади.

### **2-модда**

Сингапур томони, Жаҳон Савдо Ташкилотининг аъзоси бўлганлиги сабабли,  
Ўзбекистон Республикасининг мазкур ташкилотга кириши масаласида ўқув маш-  
ғулотлари ва маслаҳатлар ўтказиш йўли билан кўмаклашиши ва қўллаб-қувватла-  
ши мумкин.

---

\* Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 23-сон, 235-модда.

\*\* Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг ички процедураларини бажарганлиги  
тўғрисида 2007 йил 11 июндаги 05/13754-сонли нотаси. Сингапур Республикаси Ташқи ишлар вазир-  
лигининг 2007 йил 5 сентябрдаги MFA/ME/00216/2007-сонли нотаси.

---

*Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами, 2007 й.*

### 3-модда

Томонлар ўртасида савдога қўмаклашиш мақсадида, А иловада келтирилган импорт ва экспорт қилинадиган товарларга нисбатан қуйидагилар тўғрисида келишилди:

(1) Ўзбекистон Республикаси Сингапур Республикасига нисбатан, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигидан ташқари, бошқа давлатларга қўлланиладиган энг қулай режимдан кам бўлмаган режимни қўллайди;

(2) Сингапур Республикаси Ўзбекистон Республикасига нисбатан Тарифлар ва Савдо бўйича Бош Битим доирасидаги Сингапурнинг Тариф имтиёзлари жадвалига мувофиқ белгиланган энг қулай режимдан кам бўлмаган режимни қўллайди.

Мазкур мажбурият ушбу Битим кучга кирган санадан уч ой ўтганидан сўнг кучга киради.

Божхона божлари деганда товарларнинг импорт ёки экспорти билан боғлиқ барча божлар ёки турли хил тўловлар ҳамда шундай импорт ёки экспортга доир қўшимча солиқлар ёки қўшимча тўловлар тушунилади, бироқ улар қуйидагиларни ўз ичига олмайди:

(1) ички солиқларга тенглаштирилган тўловлар, яъни акциз солиқлари ҳамда товарлар ва хизматлардан ундириладиган солиқлар;

(2) адволор асосда қўлланилмайдиган тўловлар, бунда улар кўрсатилган хизматнинг тахминий таннархига тенг бўлиши ҳамда маҳаллий маҳсулотни билвосита ҳимоя қиладиган ва молиявий мақсадларда импорт ёки экспортга солиқ солиш тарзида бўлмаслиги лозим.

Томонлар ўртасида айрбошланадиган товарларнинг таснифланиши Товарларнинг уйғунлаштирилган тавсифи ва кодлаштирилган тизимига мувофиқ амалга оширилади.

### 4-модда

Мавжуд савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик даражасини инобатга олиб, Томонлар қуйидаги соҳаларда хусусий секторда тадбиркорлик ҳамкорлигини қўллаб-қувватлайдилар:

— енгил саноат;

— электротехника саноати;

— транспорт саноати;

— энергетика саноати, шу жумладан учинчи давлатлар бозорида биргаликдаги фаолият;

— соғлиқни сақлаш ва фармацевтика саноати;

— кимё ва нефть-кимё саноати;

— божхона расмийчиликлари;

— ахборот ва коммуникация технологиялари;

— туризм;

— кичик ва хусусий тадбиркорлик; ва

— таълим ва мутахассисларни ўзаро манфаатли турли йўналишларда тайёрлаш.

### 5-модда

Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, мустаҳкамлаш ва кенгайтириш мақсадида Томонлар қуйидагилар бўйича қўллаб-қувватлайдилар, қўмаклашадилар ва одимлатишга интиладилар:

— давлат органлари, ишбилармон доиралар, профессионал ва илмий-маданий ташкилотлар, агентликлар ва уюшмалар ҳамда савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорликни ўзаро манфаатли маълумотлар алмашиш билан рағбатлантириш, шунингдек савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва гуманитар алоқалар масалалари бўйича делегациялар ҳамда улар вакилларининг ташрифлари билан ўзаро алмашишни қўллаб-қувватлаш;

— Томонлар давлатлари ҳудудларида ўтказиладиган савдо ярмаркалар ва қўرғазмалар, бизнес учрашувлар, семинарлар, симпозиумлар, конференциялар, давра суҳбатлари ва бошқа шу каби тадбирларда иштирок этиш;

— маркетинг ва консалтинг хизматлари бўйича ўзаро манфаатли соҳаларда ҳамкорлик қилиш;

— Томонлар молиявий институтлар ўртасида алоқаларни ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш;

— инвестиция фаолияти;

— кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида ҳамкорлик; ҳамда

— Томонлар ўртасида ҳамкорликнинг бошқа келишилган шакллари.

#### **6-модда**

Томонлар зарур ҳолларда экспорт назорати масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш мақсадида икки хил мақсадда фойдаланилиши мумкин бўлган товарларга нисбатан маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

#### **7-модда**

Товарларни етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш борасидаги барча тўловлар, эркин муомаладаги валютада ёки шартнома томонлари ўзга тарзда келишган бўлсалар исталган бошқа валютада тегишли Томон давлати ҳудудида амалда бўлган валюта алмашинуви тўғрисидаги қонунларга мувофиқ амалга оширилади.

#### **8-модда**

Томонлар узоқ муддатга мўлжалланган гуманитар соҳани ривожлантириш бўйича барча муҳим чора-тадбирларни, асосан қуйидаги соҳаларда амалга оширадилар:

— соғлиқни сақлаш;

— таълим ва кадрлар билан алмашиш;

— маданият;

— спорт;

— туризм; ҳамда

— ва бошқа ўзаро манфаатли ҳамкорлик соҳалари.

#### **9-модда**

Томонлар ўзларининг анъанавий туризм, экотуризм, пиёда туризми, тоғ туризми, сув туризми, от туризми, велосипед туризми, экстремал туризм, чанғи туризми, автототуризм ва туризмнинг бошқа йўналишларида хизмат кўрсатувчилари ўртасида ҳамкорликни рағбатлантирадилар.

Спорт тадбирларига, мусикий ва театрлаштирилган фестивалларга ва бошқа тадбирларга ташриф буюриш учун, Томонлар жамоавий ва яқка туризмга, шу жумладан тиббиёт мақсадида, шунингдек ихтисослашган гуруҳлар билан алмашишга қўмаклашадилар.



#### **10-модда**

Томонлар бир-бирларининг давлат тилларини, адабиётини, тарихини ва географиясини ўрганишни истаган шахсларга кўмаклашадилар.

Томонлар Ўзбекистон Республикаси ва Сингапур Республикаси ўзларининг олий таълим муассасалари ўртасида гуманитар фанлар ва технологиялар соҳаларидаги ҳамкорликни, шу жумладан мутахассислар алмашувини ва қўшма тадқиқот ишларини ўтказишни қўллаб-қувватлайдилар.

#### **11-модда**

Томонлар, икки томонлама товар ва хизматлар алмашувини енгиллаштириш мақсадида, илмий ишлар натижаларини ва сертификатларини тан олиш учун тегишли чора-тадбирларни амалдаги миллий қонунларга мувофиқ амалга оширадилар.

Томонлар фан ва технология, стандартлаштириш, метрология ва аккредитация соҳаларида идоралараро ҳамкорликни миллий қонунлар асосида рағбатлантирадилар.

#### **12-модда**

Томонлар Ўзбекистон ва Сингапур халқларининг кўп асрлик маданий ва маънавий қадриятларига асосланган ҳолда маданий ҳамкорликни бундан кейин ҳам ўзаро ривожланишини давом эттирадилар.

Ҳар бир Томон ўз давлатининг резидентига бошқа Томоннинг маданий ютуқларидан фойдаланишга имконият яратиб беради.

Томонлар ўзларининг маданий муассасалари ва жамоат ташкилотлари ўртасида бевосита ҳамкорликни ва алоқаларни ривожлантиришга, мустақамлашга ва кенгайтиришга ҳамда улар ўртасида тажриба алмашишга кўмаклашадилар.

#### **13-модда**

Томонлар ушбу Битимда назарда тутилган масалаларни тартибга солишга йўналтирилган янги қонунлар бўйича маълумотларни ҳамда бошқа ўзаро манфаатли маълумотларни ўзаро алмашадилар.

#### **14-модда**

Томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ, ушбу Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ўзгартириш ва қўшимчалар Битимга киритилиши мумкин. Бу каби баённомалар ушбу Битимнинг 16-моддаси 1-бандига мувофиқ кучга киради.

#### **15-модда**

Ушбу Битимнинг қўлланилиши ва талқин этилиши билан боғлиқ низолар музокара ва маслаҳатлашувлар ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

#### **16-модда**

1. Ушбу Битимнинг кучга кириши учун давлат ички процедураларини бажарганликлари тўғрисида Томонлар томонидан охириги ёзма хабарнома олинган муддатда кучга киради.

2. Ушбу Битим чекланмаган муддатга тузилди.

3. Исталган Томон бошқа Томонни ёзма шаклда хабардор қилганидан сўнг Битимни тўхтатиши мумкин. Бу ҳолатда Битимнинг амал қилиши иккинчи Томон

ушбу ҳақида хабарнома олган ойдан сўнг келувчи олтинчи ойнинг биринчи кунда тўхтатилади.

Сингапур шаҳрида 2007 йил 25 январда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга. Ушбу Битим қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келса, Томонлар инглиз тилидаги матнга амал қиладилар.

(имзолар)

### Битимнинг 3-моддасида келтирилган илова А

ТИФ ТН коди	Товарлар номланиши
090230	қора чой (ферментланган), бирламчи қадоқда нетто-массаси 3 кгдан кўп бўлмаган
210111	кофе экстрактлари ва эссенциялари
210112	ушбу экстрактлар, эссенциялар ва концентратлар асосида ёки кофе асосида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар
210120	чай ёки мате экстрактлари ва эссенциялари
240110	ажратилмаган ўрта томирли тамаки
240120	қисман ёки бутунлай ажратилган ўрта томирли тамаки
284170	молибдатлар
300390	чакана савдога мўлжалланмаган бошқа аралашган медикаментлар
321000	бошқа бўёқ ва лаклар, терига ишлов беришда фойдаланиладиган тайёр сув пигментлари
330210	озик-овқат sanoатида ёки ичимликлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган қоришмалар
370790	фотографияда фойдаланиладиган бошқа кимёвий маҳсулотлар
382200	диагностика ёки лаборатория реагентлари
382440	цементлар, қурилиш қоришмалари ёки бетонлар учун тайёр қоришмалар
390530	бошланғич шаклга эга бўлган поливинил спирти
392020	кучайтирилмаган пропилен полимерлари
392410	ошхона учун пластмасса идиш-товоқлари
392690	пластмассадан тайёрланган бошқа маҳсулотлар
400911	вулконланган резинадан тайёрланган трубалар, трубкалар ва шланглар, қаттиқ резинадан ташқари, армирланмаган фитингсиз
401693	резинадан тайёрланган прокладкалар, шайбалар ва бошқа мустаҳкамловчилар
420212	саквояжлар, жамадонлар, аёллар сумка-жамадончалари, пластмасса ёки текстил материалларидан қилинган сиртли кейслар
441600	бочкалар, бочонкалар, қадоқлар ва бошқа ёғочли маҳсулотлар ва уларнинг қисмлари
442010	статуэткалар ва бошқа ёғочдан ясалган маҳсулотлар
482390	бошқа қоғоз ва картон, конденсацияланган қоғоз ва бошқалар
491191	репродукциялар, чизмалар ва фотографиялар
590610	ёпишқоқ ленталар, кенглиги 20 смдан кўп бўлмаган
630900	истеъмолда бўлган кийим ва текстил маҳсулотлари
650700	бош кийимни боғлаш учун ленталар, подкладкалар, ғилофлар, асослар, каркаслар, козирёклар ва бош кийим боғламалари
721510	бошқа симлар, темир ёки нелегирланган пўлатдан, автомат пўлатдан қилинган, кейинчалик қайта ишлов берилмайдиган
730630	бошқа ичи тешик трубалар, трубкалар ва профиллар, қора металдан; бошқа сваркаланган нелегир пўлати
730792	бошқа боғламалар, отводлар, сгонлар, резбаланган
730799	қора металл ёки пўлатдан тайёрланган трубалар учун бошқа фитинглар ёки трубкалар
730820	қора металл ёки пўлатдан тайёрланган миноралар ва панжарали мачталар
731815	қора металл ёки пўлатдан тайёрланган бошқа винтлар ва болтлар, гайкалар ёки шайбалар билан ёхуд уларсиз

**ТИФ ТН**  
**коди**

**Товарлар номланиши**

731816	қора металл ёки пўлатдан тайёрланган гайкалар
732391	бошқа ошхона маҳсулотлари ёки бошқа рўзғор эҳтиёжлари учун маҳсулотлар, уларнинг қисмлари, чўянли қуйилмадан, эмалланмаган
732690	қора металлдан ёки пўлатдан қилинган бошқа маҳсулотлар
820240	асоси металл бўлган занжирли арралар учун полотнолар
820551	бошқа рўзғор асбоблари
820719	қоя ёки тупроқни бурғулаш учун бошқа асбоблар: шу жумладан қисмлар
820750	пармалаш асбоблари, породаларни бурғулаш асбобларидан ташқари
831110	камалаксимон электросварка учун қимматбаҳо бўлмаган металл қопламали электродлар
841451	столга қўйиладиган, деворга осиладиган, полга қўйиладиган, шифтга осиладиган, томлар учун ёки ромлар учун, ичига қўйилган кучи 125 Вт.дан кўп бўлмаган электр двигател
841480	бошқа турбокомпрессорлар, ҳажмли компрессорлар
841822	абсорбцион электр музлатгичлар
842199	суюқлик ёки газни тозалаш ёки филтрлаш учун ускуналар ва қўрилмаларнинг бошқа қисмлари
843143	бурғулаш ва ўтувчи машиналар қисмлари
844250	пластиналар, цилиндрлар ва бошқа чоп этиш шакллари; чоп этиш мақсадлари учун тайёрланган пластиналар, цилиндрлар ва литография тошлари
845410	металлургияда ва куйиш-эритиш ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган конвертерлар
846789	бошқа қўлбола асбоблар, нозлектр двигателли қўлбола асбоблар
846880	бошқа ускуна ва аппаратлар
847130	10 кг гача ҳисобловчи портатив машиналар
847149	тизим шаклида етказиб берувчи рақамли ҳисобловчи бошқа машиналар
847150	маълумотларни қайта ишловчи рақамли блоklar
847160	киритиш ва чиқариш, бир корпусда бўлган ва бўлмаган хотирада қолдирувчи қурилмалар
847170	хотирада қолдирувчи қурилмалар
847190	бошқа жойларда номланмаган ва киритилмаган ахборотларни қайта ишловчи бошқа машиналар
847330	ҳисобловчи машиналар учун қисмлар ва жиҳозлар
847350	икки ёки ундан ортиқ товар позицияларига кирувчи машиналар учун мўлжалланган тенг даражадаги қисмлар ва жиҳозлар
847790	резиналар ёки платсмассаларни қайта ишлаш учун ускуналар қисмлари
847990	бошқа жойларда номланмаган ва киритилмаган индивидуал функцияни бажарувчи машина ва механик қурилмалар қисмлари
848180	котёллар трубалари, резервуарлар, цистерналар, баклар ва шунга ўхшашлар учун арматуралар
848190	котёллар трубалари учун арматуралар қисмлари
848410	прокладкалар ва бошқа материаллар билан қоришмадаги ёки икки ёки ундан ортиқ металл қатламидан иборат металл листларидан қилинган ўхшаш боғловчи элементлар
848590	электр улагичларга эга бўлмаган ускуналарнинг бошқа қисмлари
850431	қуввати 1 кВа дан кўп бўлмаган бошқа трансформаторлар
850440	статик қайта ташкил этувчилар
850730	кадмиторлар электр никелли аккумуляторлар
850780	бошқа электр аккумуляторлар
851110	ёқиш свечалари
851180	двигателларни ёқиш ёки ҳаракатга келтириш учун бошқа электр ускуналар
851590	электр ва бошқа пайкалар учун машиналар ва аппаратлар қисмлари
851711	симли алоқа учун Симсиз гўшақли телефон аппаратлари
851721	факс аппаратлари
851750	етақловчи қисмда симли алоқа тизими ёки рақамли симли алоқа тизими учун аппаратлар

**ТИФ ТН  
коди**

**Товарлар номланиши**

851790	телефон ва телеграф аппаратлари қисмлари
851810	микрофонлар ва улар учун тагликлар
851829	корпусларда жиҳозланган ва жиҳозланмаган овоз кўтаргичлар
851999	кассета кўринишида бўлмаган овоз эшитиш учун бошқа аппаратуралар
852020	телефон авто жавоб бергичлари
852033	кассета кўринишидаги бошқа овоз ёзиш аппаратуралари ва магнитофонлар
852039	кассета кўринишида бўлмаган бошқа овоз ёзиш аппаратуралари ва магнитофонлар
852090	бошқа овоз ёзиш аппаратуралари
852110	магнит лентада видео ёзувчи ёки видео тасвир аппаратуралари
852190	бошқа видео ёзувчи ва видео тасвир аппаратуралари
852210	овоз ёзиш аппаратуралари учун картриджлар
852290	видео ва аудио магнитофонлар ва видео тасвир аппаратуралари учун жиҳозлар ва қисмлар
852311	4 мм дан кенг бўлмаган ёзилмаган магнит ленталар
852312	4 мм дан кўп лекин 6.5 мм дан кенг бўлмаган ёзилмаган магнит ленталар
852320	ёзилмаган магнит дисклар
852390	бошқа ёзилмаган аудио воситалар
852431	лазер орқали ўқувчи тизимлар учун дисклар
852432	лазер орқали ўқувчи тизимлар учун фақат овоз ёзилган дисклар
852439	лазер орқали ўқиш тизимлари учун ёзилган бошқа дисклар
852499	маълумотлар, тасвирлар ва овоз ёзиш учун бошқа воситалар
852520	қабул қилиш қурилмаларини ўз ичига олувчи узатиш аппаратуралари
852530	телевизион камералар
852540	кадр орқали тасвирга олиш видеокамералари ва бошқа видеокамералар
852713	овоз ёзиш ёки ўқиш қурилмалари билан бирлаштирилган аппаратуралар
852721	овоз ёзиш ёки ўқиш қурилмалари бирлаштирилган моторли транспорт воситаларида фойдаланиладиган оммавий эшиттирув радио қабул қилгичлар
852731	овоз ёзиш ёки ўқиш қурилмалари бирлаштирилган ҳамда радиотелефон ва радиотелеграф сигналларни қабул қила олувчи бошқа оммавий эшиттирув радио қабул қилгичлар
852812	телевизион алоқа учун рангли тасвирни қабул қилиш аппаратуралари
852813	оқ-қора ёки бошқа монохром тасвирни қабул қилиш аппаратуралари
852821	рангли тасвир видеомониторлари
852830	видеопроекторлар
852910	антенналар ва барча турдаги антенналик акс эттирувчилар
852990	радио ва теле аппаратуралар қисмлари
853120	суяқ кристаллар ёки нурли диод қурилмаларини ўз ичига олувчи индикатор панеллари
853590	коммутация ёки электр занжирлар ҳимояси учун бошқа электр аппаратуралари
853649	60 В дан ортиқ кучланишли реле
853650	1,000 В дан ошмаган бошқа ёқиб ўчиргичлар
853669	1,000 В дан ошмаган кучланишга эга бўлган электр штепсел ва разеткалар
853690	коммутация ёки электр занжирлар ҳимояси учун бошқа электр аппаратуралари
853710	1,000 В дан ошмаган кучланишга мўлжалланган электр пультлар, панеллар, консоллар, столлар, электр аппаратуралари учун тақсимловчи шитлар ва асослар
853810	тегишли аппаратуралар билан комплектланмаган пультлар
853939	бошқа электрик лампалар
854011	телевизион, электр-нурли рангли тасвир трубкалари
854110	фотодиодлар ёки нурланувчи диодлардан ташқари диодлар
854121	қуввати 1 В дан кам транзисторлар
854129	фототранзисторлардан ташқари бошқа транзисторлар
854221	электрон, интеграл схемалар ва рақамли микройиғмалар
854229	бошқа интеграл монолит схемалар
854260	гибрид интеграл микросхемалар
854270	электрон микройиғмалар

**ТИФ ТН**

**Товарлар номланиши**

<b>коди</b>	
854290	бошқа электрон микройғмалар
854389	мазкур гуруҳнинг бошқа жойда номланмаган ва киритилмаган индивидуал функцияли бошқа машина ва аппаратлар
854390	индивидуал функцияли электрон машина ва аппаратлар қисмлари
854411	ўровчи мис симлари
854420	коаксиал кабеллар ва бошқа коаксиал электр симлар
854441	80 вольтдан кўп бўлмаган уланиш имконияти билан жиҳозланган электр симлар
854449	80 В дан кўп бўлмаган кучланишли бошқа электр симлар
854459	80 В дан ортиқ, лекин 1,000 В дан кўп бўлмаган кучланишли бошқа электр симлар
854470	тола-оптик кабеллар
854519	бошқа электродлар
880330	самолётлар ва вертолётларнинг бошқа қисмлари
900219	бошқа объективлар
900610	чоп этиш пластиналари ёки цилиндрлар тайёрлаш учун фойдаланиладиган фотокамералар
900651	35 мм дан кенг бўлмаган плёнкалар учун бошқа тасвирий фотокамералар
900691	фотокамералар учун қисмлар ва жиҳозлар
900791	кинокамералар учун қисмлар ва жиҳозлар
900999	фото ва термокўпайтиргич машиналар учун бошқа қисмлар ва жиҳозлар
901060	проекцион экранлар
901580	геодезик ёки топографик гидрографик, океанографик, гидрологик, метеорологик ёки геофизик бошқа қурилмалар ва мосламалар
902580	ареометрлар ва суюқликка шўнғишда амал қилувчи ўхшаш мосламалар бошқа барометрлар, гигрометрлар ва психометрлар
902690	суюқ газни ўлчаш ва назорат мосламалари учун қисмлар ва жиҳозлар
902830	электроэнергия ҳисоблагичлари
903190	ўлчов ва назорат мосламалари учун қисмлар ва жиҳозлар
903281	бошқа гидравлик ёки пневматик мосламалар ва қурилмалар
903300	машиналар, мосламалар, асбоблар ва аппаратуралар учун қисмлар ва жиҳозлар
920300	трубали клавишали органлар, фисгармонлар ва шунга ўхшаш металл тилли клавишали асбоблар
940320	бошқа металл мебеллар
961210	ёзиш машиналари учун ленталар

+

-

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Германия Федератив  
Республикаси Ҳукумати ўртасида Ўзбекистон Республикаси  
халқ хўжалиги ташкилотлари учун бошқарув кадрларини  
ўқитишда ҳамкорлик тўғрисида  
АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ\***

*Тошкент, 2007 йил 12 сентябрь*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Германия Федератив Республикаси Ҳукумати, келгусида «Томонлар» деб номланадилар.

Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги ташкилотлари учун бошқарув кадрларини икки томонлама тайёрлаш дастурини (бундан буён — дастур) амалга ошириш орқали икки мамлакат ўртасида иқтисодий ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш истакларини билдириб,

Замонавий менежмент услублари билимларига эга бўлган юқори малакали мутахассислар иқтисодиётнинг ўсиши ва ривожланишига муносиб ҳисса қўшиши мумкинлиги ва шу тарзда хўжалик ташкилотларининг ёш бошқарувчиларини тайёрлаш ва малакасини ошириш давлатнинг келгусидаги тараққиётида муҳим аҳамият касб этиши тўғрисида фикр билдириб,

2006 йилда 20 та ўзбек бошқарувчиларидан иборат бошланғич гуруҳ малака ошириш мақсадида Германияда амалиёт ўтаб қайтганлигини мамнуният билан қайд этиб,

Бошланғич дастурнинг сезиларли натижаларини инобатга олиб Томонлар **қу-  
йидагилар тўғрисида ахдлашдилар:**

I. Германия Федератив Республикаси Ҳукумати ўзбек томонининг Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялашга муносиб ҳисса қўша оладиган янги бошқарувчилар авлодини ўқитишга йўналтирилган икки томонлама дастурни амалга ошириш бўйича ташаббусини қўллаб-қувватлайди.

II. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати яқин келажакда халқ хўжалиги ташкилотлари, хусусан ишлаб чиқариш соҳасидаги корхоналар учун бошқарув кадрларини касбий ва тил бўйича тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан ўз манфаатдорлигини маълум қилади.

III. Германия Федератив Республикаси Ҳукумати 2009 йилгача ўзбек дастурини амалга оширишда ўзининг имконияти даражасида қўмаклашишга тайёрлигини тасдиқлайди. Бошқарувчиларни ўқитиш икки томонлама дастурини амалга оширишдаги германия томонининг ҳиссаси, танлаб олинган бошқарувчиларнинг Германия Федератив Республикасида корхоналарга мақсадли ташриф буюришлари билан биргаликда, ихтисослаштирилган маъруза семинарлари ва амалий тренинглари ўтказиш орқали ҳар хил амалиёт турларини ўташни назарда тутди.

Алоҳида тадбирларнинг давомийлиги ва мазмуни ўзбек бошқарувчиларининг хорижий тилни билиш ва касбий талаб даражаси, шунингдек германия томонининг имкониятларига боғлиқ. Германияда қабул қилинадиган бошқарувчиларнинг сони германия томонидан ҳар йили Федерал бюджет молиявий маблағлари ҳисобидан ажратиладиган маблағларнинг миқдорига боғлиқ.

IV. Дастурни амалга ошириш мақсадида:

— Германия томони бош бошқарувчи сифатида «Инвент» (Халқаро малака ошириш ва ривожлантириш МЧЖ) жамиятини;

---

\* Имзоланган кундан кучга кирган.

— Ўзбек томони Ўзбекистон Савдо-саноат палатасини (ССП) белгилайди.

V. ССП ўзбек томонидан дастурнинг мувофиқлаштирувчиси сифатида дастурга Германия ҳиссаси (улуши) учун зарур касбий ва тилга оид билимларга эга бўлган етарлича даъвогарлар танловини амалга оширади. Бунда ССП ўқитиш курсларини таклиф этувчи барча ўзбек ташкилотлари билан тенг ҳуқуқлилиқ асосида ва Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида ҳамкорлик қилади. Шундай қилиб, барча муносиб даъвогарларнинг ва мамлакатнинг барча ҳудудлари вакилларининг дастурда қатнашишлари учун тенг имкониятлар таъминланиши лозим.

VI. Ўзбек бошқарувчиларини касбий ва тил бўйича тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юзага келувчи харажатлар, шунингдек барча халқаро транспорт харажатлари бошқарув кадрларини юбораётган ўзбек томонининг ташкилотлари ҳисобидан қопланади.

VII. Германия томони дастурни амалга ошириш билан боғлиқ ва Германия Федератив Республикаси ҳудудида юзага келувчи барча харажатларни қоплашга тайёрлигини тасдиқлайди. Ушбу харажатлар стипендиялар тўлаш, суғурта ва дастур иштирокчиларининг яшаши билан боғлиқ харажатларни ўз ичига олади.

VIII. Дастурни амалга ошириш натижаларини баҳолаш учун заруриятга қараб халқ хўжалиги ташкилотларининг бошқарувчи кадрлари малакаларини оширишга хизмат қиладиган узоқ муддатли барқарор фаолият тадбирларини таъминлаш ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқувчи Германия — ўзбек Бошқарувчи қўмитаси ташкил этилади.

Ушбу англашув Меморандуми Тошкент шаҳрида 2007 йил 12 сентябрда, икки асл нусхада, ҳар бири немис ва ўзбек тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги  
билан Туркманистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўртасида  
чигирткалар ва бошқа қишлоқ хўжалиги зараркунандалари  
ҳамда ўсимликларнинг касалликларига қарши кураш бўйича  
чора-тадбирларни ўтказишда ўзаро ҳамкорлик тўғрисида  
БИТИМ\***

*Ашхобод, 2007 йил 18 октябрь*

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан Туркманистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар, чигирткалар, бошқа зараркунандалар ва ўсимликлар касалликларининг қишлоқ хўжалиги экинлари ва яйловлари учун ўта хавфли эканлигини ҳамда Томонлар давлатларининг чегарадош ҳудудларига уларнинг кўчишини эътиборга олган ҳолда,

\* Имзоланган кундан кучга кирган.

Ўзбекистонда ва Туркменистонда ҳосилнинг йўқ бўлишига йўл қўймаслик мақсадида,

Томонлар давлатларининг субъектлари ўртасидаги савдо алоқаларининг ривожланишида ва муносабатларни амалга оширишда Томонлар давлатларининг ҳудудига чигирткалар, бошқа қишлоқ хўжалиги зараркунандалари ва ўсимликлар касалликларининг кириб келишини олдини олишдаги ўзаро манфаатлардан келиб чиқиб,

чигирткалар ва бошқа қишлоқ хўжалиги зараркунандалари ҳамда ўсимликларнинг касалликларига қарши кураш соҳасида ҳамкорликни давом эттириш ва кенгайтириш истагига амал қилиб, ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришга интилиб,

**қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

#### **1-модда**

Томонлар ҳосилнинг йўқ бўлишига йўл қўймаслик мақсадида чигирткалар ва бошқа қишлоқ хўжалиги зараркунандалари ҳамда ўсимликларнинг касалликларига қарши кураш бўйича чора-тадбирларни ташкиллаштиришда қўшма ишчи гуруҳини тузадилар.

Қўшма ишчи гуруҳларига киритилган аъзолар таркибини Томонлар дипломатик каналлар орқали келишиб оладилар.

#### **2-модда**

Томонлар илмий тадқиқотлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг давлат рўйхатидан ўтказилиш ҳамда Томонлар давлатларининг чегарадош ҳудудларидаги фитосанитария ҳолати тўғрисида доимий равишда ахборот алмашиб борадилар, Томонлар давлатларининг қонун ҳужжатлари билан муҳофаза этиладиган давлат сири ёки бошқа ахборот бундан мустасно.

#### **3-модда**

Томонлар ва уларнинг мутахассислари ўз давлатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, ўз давлатларининг чегарадош ҳудудларида ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича қуйидаги ишларни амалга оширадилар:

чигирткалар ва бошқа зараркунандалар, шунингдек ўсимликларнинг касалликлари тарқалган жойларини кузатиш;

ишларни ўтказиш муддатлари, услублари ва технологиясини, шунингдек фойдаланиладиган пестицидларнинг турларини аниқлаш ва келишиш;

чигирткалар, шу жумладан уларнинг маҳаллий турлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги зараркунандалари, ҳамда ўсимликларнинг касалликлари тарқалиши бўйича башорат маълумотлари, шунингдек бу йўналишдаги режалаштирилаётган ва ўтказилган тадбирлар тўғрисида ўзаро ахборот алмашиш.

#### **4-модда**

Оммавий кўпайиш ўчоқларида зараркунандаларнинг фаоллашган ҳолатларда Томонлар зудлик билан бир-бирларини хабардор қиладилар ва иккала давлатга иқтисодий зарар етказилишига йўл қўймаслик мақсадида ўз давлатларининг ҳудудларида ҳаракатларни биргаликда мувофиқлаштиришга киришадилар.

#### **5-модда**

Томонлар ўз вақтида пестицидларни сотиб олиш ҳамда ўз давлатларининг ҳудуд-



ларида зараркунандаларнинг оммавий кўпайиш ўчоқларини йўқ қилиш бўйича ишларнинг бажарилиши учун чораларни кўрадилар, зараркунандалар ва қишлоқ хўжалиги экинлари касалликларининг йўқ қилиниши юзасидан тажриба алмашадилар.

**6-модда**

Зарур ҳолларда Томонлар ўз давлатларининг чегарадош ҳудудларида чигирткалар ва бошқа қишлоқ хўжалиги зараркунандалари ҳамда ўсимликларнинг касалликлари ўчоқларини йўқ қилиш учун ўсимликларни химоя қилиш бўйича гуруҳларни ташкил этиш юзасидан чораларини кўрадилар.

**7-модда**

Ҳар бир Томон ўз давлатларини чегарадош ҳудудларида чигирткалар ва бошқа қишлоқ хўжалиги зараркунандалари ва касалликларига қарши кураш бўйича тадбирларга кетган харажатларни мустақил молиялаштирадилар.

**8-модда**

Ушбу Битим қоидаларини талқин қилиш ва қўллаш билан боғлиқ барча низоли масалалар Томонлар ўртасида музокара ва маслаҳатлашувлар йўли билан ҳал этилади.

**9-модда**

Ушбу Битимга Томонларнинг ўзаро розилигига кўра ушбу Битимнинг ажралмас қисмлари ҳисобланган алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ва ушбу Битим учун белгиланган тартибда кучга кирувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

**10-модда**

Ушбу Битим имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Ушбу Битим беш йил муддатга тузилади ва Томонлардан бири навбатдаги даврнинг тугашидан олти ой аввал бошқа Томонга унинг амал қилишини тўхтатиш нияти тўғрисида ёзма хабарномани юбормаса, кейинги беш йиллик даврларга ўз-ўзидан узаяди.

Томонлар ўзгача келишмаган бўлсалар, ушбу Битим амал қилишининг тўхтатилиши ушбу Битим амал қилиш даврида бошланган қўшма дастур ва лойиҳаларга дахл қилмайди.

Ашхобод шаҳрида 2007 йил 18 октябрда (Гарашсизлик) икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, туркман ва рус тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Ушбу Битим қоидаларини талқин қилиш мақсадларида рус тилидаги матндан фойдаланилади.

(имзолар)

**СОГЛАШЕНИЕ\***  
**между Министерством сельского и водного хозяйства**  
**Республики Узбекистан и Министерством сельского хозяйства**  
**Туркменистана о взаимном сотрудничестве по проведению**  
**мероприятий по борьбе с саранчовыми и другими**  
**сельскохозяйственными вредителями и болезнями растений**

*Ашхабад, 18 октября 2007 г.*

Министерство сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан и Министерство сельского хозяйства Туркменистана, далее именуемые «Стороны», учитывая особую опасность саранчовых, других вредителей и болезней растений для сельскохозяйственных культур и пастбищ, а также их миграции на сопредельные территории государств Сторон,

с целью недопущения потерь урожая в Узбекистане и Туркменистане, исходя из интересов взаимного предотвращения заноса на территорию государств Сторон саранчовых, других сельскохозяйственных вредителей и болезней растений, при развитии торговых связей и осуществлении контактов между субъектами государств Сторон,

руководствуясь желанием продолжать и расширять сотрудничество в области борьбы с саранчовыми и другими сельскохозяйственными вредителями и болезнями растений, намереваясь развивать сотрудничество в области защиты растений,

**согласились о нижеследующем:**

**Статья 1**

Стороны, с целью недопущения потерь урожая, создают совместную рабочую группу по организации мероприятий по борьбе с саранчовыми и другими сельскохозяйственными вредителями и болезнями растений.

Состав членов, включенных в совместные рабочие группы, согласовывается Сторонами по дипломатическим каналам.

**Статья 2**

Стороны ведут постоянный обмен информацией в области научных исследований, государственной регистрации средств защиты растений и фитосанитарного состояния приграничных территорий государств Сторон, кроме информации, которая является государственной или иной, охраняемой национальными законодательствами государств Сторон, тайной.

**Статья 3**

Стороны и их специалисты по защите растений в приграничных территориях своих государств в соответствии с законодательствами своих государств проводят следующие работы:

обследование мест обитания саранчовых и других вредителей, а также болезней растений;

определение и согласование сроков, методов и технологий проведения работ, а также ассортимента используемых пестицидов;

взаимный обмен информацией по прогнозу распространения саранчовых, в том

---

\* Вступило в силу со дня подписания.

числе местных видов и других сельскохозяйственных вредителей и болезней растений, а также о планируемых и проведенных в этом направлении мероприятиях.

#### **Статья 4**

В случае активизации вредителей в очагах их массового размножения Стороны немедленно информируют друг друга и приступают к совместной координации действий на территориях своих государств по их ликвидации с целью недопущения экономического ущерба обоим государствам.

#### **Статья 5**

Стороны принимают меры для своевременной закупки пестицидов и выполнения на территориях своих государств работ по ликвидации очагов массового размножения вредителей, обмениваются опытом по уничтожению вредителей и болезней сельскохозяйственных культур.

#### **Статья 6**

При необходимости, Стороны принимают меры по организации в приграничных территориях своих государств отрядов по защите растений для ликвидации очагов саранчовых и других сельскохозяйственных вредителей и болезней растений.

#### **Статья 7**

Затраты мероприятий по борьбе с саранчовыми и другими сельскохозяйственными вредителями и болезнями растений на приграничных территориях своих государств каждая Сторона финансирует самостоятельно.

#### **Статья 8**

Все спорные вопросы, связанные с толкованием и применением положений настоящего Соглашения, решаются путем переговоров и консультаций между Сторонами.

#### **Статья 9**

По взаимному согласию Сторон в настоящее Соглашение могут вноситься изменения и дополнения, которые оформляются отдельными протоколами, являющимися неотъемлемыми частями настоящего Соглашения, и вступающими в силу в порядке, предусмотренном для настоящего Соглашения.

#### **Статья 10**

Настоящее Соглашение вступает в силу со дня подписания.

Настоящее Соглашение заключается сроком на пять лет и автоматически продлевается на последующие пятилетние периоды, если ни одна из Сторон за шесть месяцев до истечения очередного периода не направит письменное уведомление другой Стороне о своем намерении прекратить его действие.

Прекращение действия настоящего Соглашения не будет влиять на совместные программы и проекты, начатые в период действия настоящего Соглашения, если Стороны не договорятся об ином.

Совершено в городе Ашхабаде 18 октября (Гарашсызлык) 2007 года в двух

подлинных экземплярах, каждый на узбекском туркменском и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую силу.

Для целей толкования положений настоящего Соглашение используется текст на русском языке.

(подписи)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Миср Араб  
Республикаси Ҳукумати ўртасида судьялар малакасини  
ошириш ва суд-ҳуқуқ соҳасида тажриба алмашинуви  
бўйича ҳамкорлик тўғрисида  
БИТИМ**

*Қоҳира, 2007 йил 18 апрель*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2007 йил 11 июндаги ПҚ-650-сон қарори\* билан тасдиқланган*

*(2007 йил 30 октябрдан кучга кирган)\*\**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Миср Араб Республикаси Ҳукумати, бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар,

икки мамлакат ўртасида суд-ҳуқуқ соҳасида ҳамкорликни чуқурлаштиришга интилиб,

икки мамлакат ўртасида суд-ҳуқуқ соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ушбу соҳада тажриба алмашишнинг муҳимлигига ишонган ҳолда,

**қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

**1-қисм**

**Ташрифлар ва тажриба алмашиш**

**1-модда**

Миср суд тизими билан танишиш, ҳуқуқий масалаларни ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш ҳамда судларда иш юритишни такомиллаштириш, шунингдек, ушбу соҳада тадқиқотларни ривожлантириш мақсадида Миср Араб Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикасидан судьяларнинг ташрифини ташкил қилади.

**2-модда**

Миср Араб Республикаси Адлия вазирлиги мазкур Битимнинг 1-моддасида назарда тутилган ўзаро ташрифлар Дастурини белгилайди.

\* Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 24-сон, 248-модда.

\*\* Миср Араб Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг ички процедураларини бажарганлиги тўғрисида 2007 йил 30 сентябрдаги 1354-сонли нотаси

### **3-модда**

Миср томони, судларда иш юритишнинг техникавий қисмини ривожлантириш учун техникавий ва юридик ёрдамни тақдим этади, шунингдек бу соҳада тўпланган тажрибаларни алмашади.

### **4-модда**

Мазкур Битим мақсадларини амалга оширувчи ваколатли органлар:  
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан — Адлия вазирлиги;  
Миср Араб Республикаси Ҳукумати номидан — Адлия вазирлиги.

## **II-қисм**

### **Хужжатлар ва ахборотлар алмашиш**

### **5-модда**

Томонлар қуйидагиларни алмашадилар:

1. Даврий матбаа нашрлари ва рисоалар, журналлар, ҳуқуқий тадқиқотлар ҳамда ҳуқуқий таълим;
2. Судьяларнинг малака ошириш курслари ва дастурлари.

## **III-боб**

### **Анжуман ва семинарлар ташкил қилиш**

### **6-модда**

Томонлар ҳуқуқ фанининг махсус масалалари ва судларда иш юритишни ташкил этиш бўйича ўтказиладиган семинар, учрашув ва анжуманлар дастурларини ҳамда судларда иш юритиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик мавзуини биргаликда белгилайдилар.

### **7-модда**

Томонлар иккала давлат адлия вазирликлари вакилларидан иборат бўлган ҳамда қуйидаги мақсадларни амалга оширишга қаратилган қўшма қўмитани ташкил этадилар:

1. Ушбу Битим қоидаларини амалга ошириш ва ҳар иккала Томоннинг харажатларини аниқлаш.
2. Ушбу Битим қоидаларини бажаришга тўсиқ бўладиган барча муаммоларни баргараф қилиш.
3. Судьялар малакасини ошириш ва суд-ҳуқуқ соҳасида тажриба алмашинуви соҳасида ҳамкорлик истиқболларини кенгайтириш ва муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган алоқаларни мустаҳкамлаш юзасидан тегишли таклифларни тақдим қилиш.

### **8-модда**

Битимга ҳар қандай ўзгартиришлар томонларнинг ўзаро розилиги асосида кiritилиши мумкин.

Ушбу Битим қоидаларини қўллашда ва талқин қилишда юзага келадиган низо ва келишмовчиликлар Томонлар ўртасида икки томонлама музокаралар орқали ҳал этилади.

**9-модда**

Ушбу Битим Томонлар унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларини бажарганликлари тўғрисида дипломатик каналлар орқали охириги ёзма хабарнома олинган санадан бошлаб ўттизинчи куни кучга киради.

Ушбу Битим бир йил давомида амал қилади ва Томонлардан бири унинг амал қилишини тўхтатиш нияти тўғрисида навбатдаги муддат тугашидан камида олти ой илгари дипломатик каналлар орқали ёзма равишда хабардор қилмаса, у кейинги бир йиллик муддатларга ўз-ўзидан узаяверади.

Қоҳира шаҳрида 2007 йил 18 апрелда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, араб ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Ушбу Битимни талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолда инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

— **Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш**  
**давлат қўмитаси билан Хитой Халқ Республикасининг**  
**Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича давлат**  
**бошқармаси ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш**  
**соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ўзаро**  
**АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ\*** +

*Тошкент, 2007 йил 3 ноябрь*

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Хитой Халқ Республикасининг Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича давлат бошқармаси, бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар,

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги 1997 йил 11 декабрда имзоланган Битимни инобатга олган ҳолда,

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари минтакавий ва глобал хусусиятини, шунингдек, халқаро ҳамкорлик йўли билан ўзаро ҳаракатларни самарали ҳал этиш ва мувофиқлаштириш масалаларини қидириш заруратини англаган ҳолда,

Томонларнинг миллий қонунчилиги доирасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги масалалар бўйича турли халқаро мажбуриятларни бажарилишида бир-бирларини қўллаб-қувватлаш ва ёрдам кўрсатишда ҳамкорликнинг долзарблигини инобатга олган ҳолда,

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик икки давлат ўртасида дўстона муносабатларни мустаҳкамлашига амин бўлган ҳолда,

**қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:**

---

\* Имзоланган кундан кучга кирган.

### **1-модда**

Томонлар тенглик ва ўзаро манфаатдорлик принципларига асосланган ҳолда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлайдилар.

### **2-модда**

Томонлар ҳамкорликнинг қуйидаги устувор йўналишларини кўриб чиқишга келишдилар:

- (1) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида фаолиятни рағбатлантириш;
- (2) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида саноат ва технологияларни ривожлантириш;
- (3) атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда экологик тоза ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш;
- (4) биологик хилма-хилликни ҳимоя қилиш;
- (5) жамоатчиликнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги ижтимоий онгини шакллантириш бўйича аҳоли билан ишлаш;
- (6) атроф-муҳит мониторинги ва атроф-муҳитга таъсир қилишни баҳолаш;
- (7) ҳамкорликнинг бошқа келишилган йўналишлари.

### **3-модда**

Ҳамкорлик мазкур Меморандум доирасида, қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

- (1) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ахборот ва маълумотлар алмашинуви;
- (2) расмий делегациялар, мутахассислар ва олимларнинг ташрифлари алмашинуви;
- (3) олимлар, мутахассислар ва бошқа манфаатдор шахслар иштирокида бирга-лиқда симпозиумларни ўтказиш;
- (4) ҳамкорликнинг келишилган бошқа шакллари.

### **4-модда**

Мазкур Меморандумнинг қоидаларини бажариш мақсадида, Томонлар давлат органлари ва жамоат ташкилотлари томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган тадбирлар ўтказилишини қўллаб-қувватлайдилар.

### **5-модда**

1. Томонларнинг ҳар бири мазкур Меморандумни бажарилиши учун бўлим бошлиғи даражасидаги масъул мувофиқлаштирувчини тайинлайди.
2. Томонлар ушбу Меморандум бажарилиши билан боғлиқ бўлган харажатларни мустақил равишда амалга оширадилар.
3. Томонлар муайян дастур ва/ёки лойиҳаларни амалга ошириш учун ҳар бир ҳолатда алоҳида битимлар тузишади.

### **6-модда**

Мазкур Меморандум Томонларнинг бошқа халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир этмайди.

**7-модда**

Ушбу Меморандумни талқин этишда юзага келадиган баҳс ва келишмовчиликлар Томонлар ўртасида музокара ва маслаҳатлашувлар ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

**8-модда**

Томонларнинг ўзаро розилиги билан мазкур Меморандумга унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган алоҳида протоколлар билан расмийлаштириладиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

**9-модда**

Ушбу Меморандум имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва беш йил мобайнида амал қилади. Томонларнинг бири унинг амал қилиш муддатини тўхтатиш истаги юзага келса, у ҳолда мазкур Томон Меморандум амал қилишининг навбатдаги беш йиллик даври тугагунга қадар, камида 90 кун олдин бу тўғрисида бошқа томонни ёзма равишда хабардор қилади. Бошқа ҳолларда, унинг амал қилиши ўз-ўзидан кейинги беш йиллик муддатларга узаяди.

Мазкур Меморандум амал қилишининг тўхтатилиши, унинг амал қилиш даврида бошланган ҳамда унинг амал қилиши тўхтаган вақтда ниҳоясига етмаган лойиҳа ва дастурларнинг ижросига таъсир қилмайди.

2007 йилнинг 3 ноябрида Тошкент шаҳрида, икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, хитой ва рус тилларида имзоланган бўлиб, барча матнлар бир хил кучга эгадирлар.

Битим қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолларда, рус тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

**МЕМОРАНДУМ\***

**о взаимопонимании между Государственным комитетом  
Республики Узбекистан по охране природы и Государственным  
управлением Китайской Народной Республики по охране  
окружающей среды о сотрудничестве в области охраны  
окружающей среды**

*Ташкент, 3 ноября 2007 г.*

Государственный комитет Республики Узбекистан по охране природы и Государственное управление Китайской Народной Республики по охране окружающей среды, далее именуемые Сторонами,

принимая во внимание Соглашение между Правительством Республики Узбе-

---

\* Вступил в силу со дня подписания.



кистан и Правительством Китайской Народной Республики о сотрудничестве в области охраны окружающей среды от 11 декабря 1997 года,

осознавая региональный и глобальный характер вопросов об охране окружающей среды, а также необходимость поиска эффективных способов решения и координации взаимных действий путем международного сотрудничества,

учитывая актуальность сотрудничества между Сторонами по оказанию поддержки и содействия друг другу в выполнении различных международных обязательств по вопросам охраны окружающей среды в рамках национальных законодательств государств Сторон,

убежденные в том, что взаимовыгодное сотрудничество в сфере охраны окружающей среды и устойчивого развития будет способствовать укреплению дружественных отношений между обеими странами,

**договорились о нижеследующем:**

### **Статья 1**

Основываясь на принципах равенства и взаимной выгоды, Стороны будут укреплять сотрудничество в области охраны окружающей среды.

### **Статья 2**

Стороны согласились рассмотреть следующие направления сотрудничества как приоритетные:

- (1) Стимулирование деятельности по охране окружающей среды;
- (2) Развитие промышленности и технологии в области охраны окружающей среды;
- (3) Предотвращение и устранение загрязнения окружающей среды и поддержка экологически чистых производств;
- (4) Защита биологического многообразия;
- (5) Работа с населением по формированию общественного сознания об охране окружающей среды;
- (6) Мониторинг за окружающей средой и оценка влияния на окружающую среду;
- (7) другие согласованные направления сотрудничества.

### **Статья 3**

Сотрудничество осуществляется в рамках настоящего Меморандума в следующих формах:

- (1) Обмен информацией и данными по вопросам охраны окружающей среды;
- (2) Обмен визитами официальных делегаций, специалистов и ученых;
- (3) Совместное проведение симпозиумов с участием ученых, специалистов и других заинтересованных лиц;
- (4) другие согласованные формы сотрудничества.

### **Статья 4**

В целях реализации положений настоящего Меморандума Стороны приветствуют проведение государственными органами и общественными организациями мероприятий, связанных с охраной окружающей среды.

**Статья 5**

1. Каждая из Сторон назначает координатора в ранге начальника отдела в качестве ответственного за выполнение настоящего Меморандума.
2. Стороны самостоятельно несут расходы, связанные с выполнением настоящего Меморандума.
3. Стороны в целях реализации конкретных программ и/или проектов будут заключать отдельные соглашения в каждом случае по отдельности.

**Статья 6**

Настоящий Меморандум не затрагивает прав и обязательств Сторон по другим международным договорам, участниками которых они являются.

**Статья 7**

Споры и разногласия, возникающие при толковании настоящего Меморандума, решаются между Сторонами путем консультаций и переговоров.

**Статья 8**

По взаимному согласию Сторон в настоящий Меморандум могут вноситься изменения и дополнения, которые оформляются отдельными протоколами, являющимися неотъемлемой частью настоящего Меморандума.

**Статья 9**

Настоящий Меморандум вступает в силу со дня подписания и действует в течение пяти лет. В случае намерения одной из Сторон прекратить его действие данная Сторона не менее чем за девяносто дней до истечения очередного пятилетнего периода действия Меморандума уведомляет об этом в письменной форме другую Сторону. В ином случае его действие автоматически продлевается на последующие пятилетние сроки.

Прекращение действия настоящего Меморандума не будет влиять на осуществление Сторонами проектов и программ, начатых в период его действия и не завершенных к моменту прекращения его действия.

Совершено в г. Ташкенте 3 ноября 2007 года в двух подлинных экземплярах, каждый на узбекском, китайском и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую силу.

В случае разногласий в толковании, текст на русском языке будет превалировать.

(подписи)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан  
Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида  
техник-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида  
БИТИМ\***

*Тошкент, 2007 йил 3 ноябрь*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати, бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар, дўстона муносабатлар ва техник-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида,

**қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

**1-модда**

Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига 60 (олтмиш) миллион хитой юани миқдорига беғараз ёрдам кўрсатади.

**2-модда**

Мазкур беғараз ёрдамдан икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида келишилган техник-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш учун фойдаланилади. Муайян масалалар алоҳида битимлар имзолаш орқали Томонлар ўртасида қўшимча равишда келишиб олинади.

**3-модда**

маъмурий ва тезкор даражаларда ҳамкорликни мувофиқлаштириш механизми-ни ташкил этиш;

гиёҳвандлик воситаларини назорат қилиш соҳасидаги миллий қонунларни яқинлаштириш;

гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний ишлаб чиқарилиши ва тарқатилишига барҳам беришда, улар контрабандаси ҳаракат йўналишларини аниқлашда, жумладан учинчи давлатлардан келишини фoш этишда мувофиқлаштирилган ҳаракатларни амалга ошириш;

ўз мамлакатларида гиёҳвандлик воситаларига бўлган талабни ва гиёҳвандлик қўламларини қисқартириш;

гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний юргизилишини йўқ қилиш ва гиёҳвандликнинг олдини олиш бўйича тажриба алмашиш;

## 4-модда

1. Томонларнинг ваколатли органлари ўз давлатларининг қонунларига мувофиқ қуйидагилар тўғрисида ўзаро қизиқиш уйғотувчи ахборотни алмашадилар:

а) гиёҳвандлик воситалари ва прекурсорларнинг ноқонуний юргизилишга келиб тушиш манбаларини аниқлашнинг шакллари ва методлари ҳамда уларнинг тарқатилишини бартараф қилиш чоралари;

- б) гиёҳвандлик воситалари ва прекурсорларнинг ноқонуний юргизилишидан иборат жиноятларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва текшириш усуллари;
- в) Томонлардан бирининг давлати ҳудудида гиёҳвандлик воситалари ва прекурсорларнинг ноқонуний юргизилиши ва уларни яшириш;
- г) гиёҳвандлик воситалари ва прекурсорларнинг ноқонуний юргизилишига қарши курашиш юзасидан илмий тадқиқотлар;
- д) Томонлар давлатларининг тегишли қонунлари ва уларни татбиқ этиш амалиёти;
- е) гиёҳвандлик воситалари ва прекурсорларнинг ноқонуний юргизилишидан олинган даромадни қонунийлаштириш усуллари;
- ё) ноқонуний юргизилишдан тортиб олинган янги ва номаълум гиёҳвандлик воситаларининг намуналари;
- ж) давлат чегарасини кесиб ўтишда қўлланадиган ноқонуний гиёҳвандлик воситалари ва прекурсорлар туркумини яшириш йўллари, шунингдек уларни аниқлаш усуллари;
- з) гиёҳвандлик воситалари ва прекурсорларни ноқонуний ташувчилар деб топилган шахслар, уларни ташишнинг аниқланган йўналишлари;
- и) гиёҳвандлик воситаларини тайёрловчи жиноий гуруҳлар, гиёҳвандлик воситалари ва прекурсорлар операциялари билан ноқонуний шуғулланувчи ёки бундай жиноий фаолиятда шубҳаланилаётган алоҳида шахслар, тижорий ва бошқа тузилмалар.

#### 5-модда

+

1. Ушбу Битим доирасида ҳамкорлик қилиш Томонлар ваколатли органларининг кўмаклашиш тўғрисидаги сўрови асосида амалга оширилади.
2. Кўмаклашиш тўғрисидаги сўров ёзма равишда юборилади. Шошилинч ҳолларда овзаки тақдим қилиниши мумкин, бироқ улар уч кундан кечиктирмасдан ёзма тасдиқланиши лозим.  
Кўмаклашиш тўғрисидаги сўровнинг ҳақиқий эканлиги ёки мазмунига шубҳа туғилса, унинг тасдиғи сўраб олинishi мумкин.
3. Кўмаклашиш тўғрисидаги сўровда қуйидагилар акс эттирилиши лозим:
  - а) кўмак сўраётган ваколатли органнинг номи ҳамда кўмак сўраб мурожаат қилинган ваколатли органнинг номи;
  - б) иш моҳиятининг қисқа баёни;
  - в) мақсаднинг кўрсатилиши ва сўровнинг асосланиши;
  - г) сўралаётган кўмакнинг мазмуни.
4. Лозим топилса ва имкон бўлса, сўровномада қуйидагилар ҳам акс эттирилиши лозим:
  - а) исм ва фамилиялар, шунингдек бошқа зарур маълумотлар;
  - б) ишга дахлдор юридик шахсларнинг номланиши ва жойлашган ўрни тўғрисида ахборот;
  - в) қилмиш ёки воқеа тафсилоти, жиноий ишлар бўйича эса қилмишнинг сўраётган Томон давлатининг қонунларига кўра тоифаси ва қўлланадиган қонун тегишли моддаси матни;
  - г) жавоб олинishi зарур бўлган саволлар;
  - д) сўровни бажаришда амал қилиниши лозим бўлган алоҳида тартиб ва бу зуратнинг асосланиши;
  - е) сўровни бажаришда асқотиши мумкин бўлган ҳар қандай бошқа ахборот;

-

5. Қўмаклашиш тўғрисида берилган ва ёзма равишда тасдиқланган сўровнома сўраётган ваколатли органнинг раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади.

**6-модда**

Томонларнинг ваколатли органлари ушбу Битим доирасида бир-бирларидан олинadиган ахборотнинг махфийлигини таъминлайдилар.

Ушбу Битим доирасида олинган ахборот учинчи томонга берилиши зарур бўлса, уни тақдим қилган ваколатли органнинг ёзма розилигини олиш лозим.

**7-модда**

Томонлар ушбу Битим мақсадларига мувофиқ равишда кадрлар малакасини ошириш соҳасида ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қиладилар.

**8-модда**

Ваколатли органлар ўз давлатларининг қонунларига мувофиқ «назорат қилинадиган етказиб бериш» усулини ўзаро қўллаш имкониятларини кўриб чиқадиладар.

**9-модда**

Ушбу Битимни бажариш бўйича ваколатли органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гиёҳвандлик воситаларини назорат қилиш Миллий маркази ва Украина Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гиёҳвандликка қарши кураш бўйича Миллий мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан амалга оширилади.

Ўзаро келишув бўйича ушбу Битимда кўзда тутилган ваколатли органлар ўртасидаги ҳамкорлик самарадорлигини ошириш мақсадида Томонлар мувофиқлаштирувчи органларининг раҳбарлари зарур ҳолларда маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

**10-модда**

Томонлар ўз давлатларининг қонунларига мувофиқ назорат қилинадиган гиёҳвандлик воситалари ва прекурсорларнинг миллий рўйхатларини алмашадилар ҳамда уларга киритилган ўзгартишлар тўғрисида бир-бирларини хабардор қиладилар.

**11-модда**

Томонлар ушбу Битим доирасида ҳамкорликни амалга оширишда рус тилидан фойдаланадилар.

**12-модда**

Ушбу Битим Томонларнинг улар иштирокчилари бўлган бошқа халқаро шартномалар бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

**13-модда**

Ушбу Битимни қўллаш ва талқин қилиш бўйича баҳс ва келишмовчиликлар юзага келган ҳолда Томонлар уларни музокара ва маслаҳатлашувлар орқали ҳал этадилар.



**14-модда**

Томонларнинг розилиги билан ушбу Битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиши мумкин. Улар алоҳида баённомалар тарзида расмийлаштирилади ва ушбу Битим 15-моддасининг қоидаларига мувофиқ кучга киргач, ушбу Битимнинг таркибий қисми ҳисобланади.

**15-модда**

Ушбу Битим Томонлар уни кучга киритиш учун зарур бўлган давлат ички процедураларини бажарганликлари тўғрисида дипломатик каналлар орқали олинган охирги билдиришнома санасидан бошлаб кучга киради.

Ушбу Битим Томонлардан бири унинг амал қилишини тўхтатиш нияти тўғрисида бошқа Томонни дипломатик каналлар орқали ёзма равишда хабардор қилмагунча ўз кучида қолади. Бу ҳолда бошқа Томон бундай билдиришномани олганидан сўнг олти ой ўтгач, ушбу Битим ўз фаолиятини тўхтатади.

Тошкент шаҳрида 2000 йил 12 октябрда икки нусхада, ҳар бири ўзбек, украин ва рус тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Ушбу Битимни талқин қилишда рус тилидаги матндан фойдаланади.

(имзолар)

+

-

**СОГЛАШЕНИЕ  
между Правительством Республики Узбекистан и Кабинетом  
Министров Украины о сотрудничестве в борьбе с незаконным  
оборотом наркотических средств, психотропных веществ и  
прекурсоров**

*Ташкент, 12 октября 2000 г.*

*Утверждено постановлением Кабинета Министров  
Республики Узбекистан от 7 ноября 2000 года № 434*

*(Вступило в силу 12 декабря 2007 года)\**

Правительство Республики Узбекистан и Кабинет Министров Украины, именуемые в дальнейшем Сторонами,

выражая озабоченность масштабами наркомании и тенденциями роста незаконного оборота наркотических средств, психотропных веществ (далее именуемые наркотики) и прекурсоров,

---

\* Нота МИД Республики Узбекистан о выполнении внутригосударственной процедуры от 10 мая 2001 года № 05/5584.

Нота МИД Украины о выполнении внутригосударственной процедуры от 5 декабря 2007 года № 72/23-612/1-3689.

---

*Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами, 2007 й.*

сознавая, что незаконный оборот наркотиков и прекурсоров представляет серьезную угрозу национальной безопасности, здоровью и благосостоянию их народов и является проблемой, затрагивающей политические и экономические структуры, социальные и культурные сферы общества,

исходя из целей Единой конвенции о наркотических средствах 1961 года, Конвенции о психотропных веществах 1971 года и Конвенции ООН о борьбе против незаконного оборота наркотических средств и психотропных веществ 1988 года,

признавая, что борьба с незаконным оборотом наркотиков и прекурсоров требует скоординированных действий в рамках двустороннего сотрудничества, и исполненные решимости оказывать друг другу необходимое содействие,

руководствуясь общепризнанными принципами и нормами международного права,

**согласились о нижеследующем:**

### **Статья 1**

1. Для реализации целей настоящего Соглашения компетентными органами Сторон являются:

для Республики Узбекистан:

Национальный центр по контролю за наркотиками при Кабинете Министров,

Прокуратура,

Служба национальной безопасности,

Министерство внутренних дел,

Государственный таможенный комитет,

Министерство юстиции,

Министерство здравоохранения,

Комитет по охране Государственной границы,

Министерство иностранных дел,

Министерство народного образования,

Государственный налоговый комитет,

для Украины:

Министерство внутренних дел,

Государственный комитет по делам охраны государственной границы Украины,

Служба безопасности,

Государственная таможенная служба,

Министерство здравоохранения.

2. Каждая из Сторон незамедлительно уведомляет другую Сторону о внесении изменений в перечень своих компетентных органов.

3. Компетентные органы Сторон в целях выполнения настоящего Соглашения могут сноситься друг с другом непосредственно.

### **Статья 2**

Стороны в соответствии с законодательством своих государств будут осуществлять скоординированные программы в сфере предотвращения злоупотребления наркотиками, лечения и реабилитации больных наркоманией, контроля за легальным оборотом наркотиков и прекурсоров, а также борьбы с незаконным их оборотом.

Стороны будут выполнять обязательства, вытекающие из настоящего Соглашения в соответствии с принципами и нормами международного права.

### Статья 3

Стороны через свои компетентные органы сотрудничают в сфере борьбы с незаконным оборотом наркотиков, злоупотреблением ими, а также незаконным оборотом прекурсоров по следующим приоритетным направлениям:

создание координационного механизма сотрудничества на административном и оперативном уровнях;

сближение национального законодательства в области контроля за наркотиками;

осуществление скоординированных действий, направленных на пресечение незаконного производства и распространения наркотиков, выявления маршрутов их контрабандного перемещения, в том числе из третьих государств;

сокращение спроса на наркотики и масштабов наркомании в своих странах;

обмен опытом работы по пресечению незаконного оборота наркотиков и предупреждению распространения наркомании.

### Статья 4

Компетентные органы Сторон в соответствии с законодательством своих государств будут обмениваться представляющей взаимный интерес информацией:

а) о формах и методах выявления источников поступления наркотиков и прекурсоров в незаконный оборот и о мерах по пресечению их распространения;

б) о способах выявления, предотвращения и расследования преступлений, составляющих незаконный оборот наркотиков и прекурсоров;

в) о незаконном перемещении наркотиков и прекурсоров на территорию государства одной из Сторон и способах их сокрытия;

г) о научных исследованиях по вопросам борьбы с незаконным оборотом наркотиков и прекурсоров;

д) о соответствующем законодательстве государств Сторон и практике его применения;

е) о способах легализации доходов, полученных от незаконного оборота наркотиков и прекурсоров;

ё) об образцах новых и неизвестных видов наркотиков, изъятых из незаконного оборота;

ж) о применяемых способах сокрытия партий незаконных наркотиков и прекурсоров при пересечении государственной границы, а также о методах их выявления;

з) о лицах, установленных в качестве незаконных перевозчиков наркотиков и прекурсоров, о выявленных маршрутах их перевозки;

и) о преступных группировках наркодельцов, отдельных лицах, коммерческих и других структурах, которые занимаются незаконными операциями с наркотиками и прекурсорами или подозреваются в такой преступной деятельности.

### Статья 5

1. Сотрудничество в рамках настоящего Соглашения осуществляется на основании запросов об оказании содействия компетентных органов Сторон.

2. Запрос об оказании содействия направляется в письменном виде. В безотлагательных случаях запросы могут передаваться устно, однако они должны быть подтверждены письменно не позднее трех суток.

При возникновении сомнения в подлинности или содержании запроса об оказании содействия может быть запрошено его подтверждение.

3. Запрос об оказании содействия должен содержать:

- а) наименование компетентного органа, запрашивающего содействие, и компетентного органа, к которому обращен запрос;
- б) изложение дела по существу;
- в) указание цели и обоснование запроса;
- г) содержание запрашиваемого содействия.

4. В той мере, в какой это необходимо и возможно, запрос также должен содержать:

- а) имена и фамилии, а также другие, представляющие интерес, данные;
- б) информацию о названиях и местах нахождения юридических лиц, имеющих отношение к делу;
- в) описание деяния или события, а по уголовным делам — также квалификацию деяния в соответствии с законодательством государства запрашивающей Стороны и текст соответствующих статей применяемого закона;
- г) перечень вопросов, на которые необходимо получить ответ;
- д) описание особого порядка, которому необходимо следовать при исполнении запроса, и обоснование этой необходимости;
- е) любую другую информацию, которая может быть полезна для исполнения запроса.

5. Запрос об оказании содействия, переданный и подтвержденный в письменной форме, подписывается руководителем запрашивающего компетентного органа или его заместителем.

#### **Статья 6**

Компетентные органы Сторон будут обеспечивать конфиденциальность информации, получаемой друг от друга в рамках настоящего Соглашения, когда это требует Сторона, передающая данную информацию.

В случае необходимости передачи третьей стороне информации, полученной в рамках настоящего Соглашения, требуется письменное согласие компетентного органа, ее представившего.

#### **Статья 7**

Стороны будут сотрудничать на взаимовыгодной основе в области повышения квалификации кадров применительно к целям настоящего Соглашения.

#### **Статья 8**

Компетентные органы в соответствии с законодательством своих государств будут рассматривать возможности взаимного применения метода «контролируемой поставки».

#### **Статья 9**

Координация деятельности компетентных органов по исполнению настоящего Соглашения осуществляется соответственно Национальным центром по контролю за наркотиками при Кабинете Министров Республики Узбекистан и Национальным координационным советом по борьбе с наркоманией при Кабинете Министров Украины.

По взаимной договоренности с целью повышения эффективности сотрудничества между соответствующими компетентными органами, предусмотренными настоящим Соглашением, руководители координирующих органов Сторон при необходимости проводят консультации.

#### **Статья 10**

Стороны в соответствии с законодательством своих государств обмениваются национальными Списками наркотиков и прекурсоров, находящихся под контролем, и уведомляют друг друга о вносимых в них изменениях.

#### **Статья 11**

При осуществлении сотрудничества в рамках настоящего Соглашения Стороны используют русский язык.

#### **Статья 12**

Настоящее Соглашение не затрагивает прав и обязательств Сторон по другим международным договорам, участниками которых они являются.

#### **Статья 13**

В случае возникновения споров и разногласий по применению и толкованию настоящего соглашения Стороны разрешают их путем переговоров и консультаций.

#### **Статья 14**

С согласия Сторон в настоящее Соглашение могут быть внесены изменения и дополнения, оформляющиеся отдельными протоколами, вступающими в силу в соответствии с положениями статьи 15 настоящего Соглашения и являющимися неотъемлемой частью настоящего Соглашения.

#### **Статья 15**

Настоящее Соглашение вступает в силу с даты получения по дипломатическим каналам последнего письменного уведомления о выполнении Сторонами внутренних государственных процедур, необходимых для его вступления в силу.

Настоящее Соглашение будет оставаться в силе до тех пор, пока одна из Сторон письменно не уведомит по дипломатическим каналам другую Сторону о своем намерении прекратить его действие. В этом случае настоящее Соглашение прекратит свое действие по истечении шести месяцев после получения такого уведомления другой Стороной.

Совершено в городе Ташкенте 12 октября 2000 года в двух экземплярах на узбекском, украинском и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую силу.

Для целей толкования настоящего Соглашения используется текст на русском языке.

*(подписи)*

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан  
Литва Республикаси Алоқани тартибга солиш хизмати  
ўртасида алоқани тартибга солиш соҳасида  
ҳамкорлик тўғрисида  
БИТИМ\***

*Вильнюс, 2007 йил 17 декабрь*

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Литва Республикаси Алоқани тартибга солиш хизмати, бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар,

телекоммуникация ва ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши Томонлар ўртасида савдо муносабатлари ва илмий-техник ҳамкорликни ривожлантиришнинг, шунингдек икки томон иктисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий омили бўлиб ҳисобланганлигини инобатга олиб,

икки мамлакат телекоммуникация бозорини ривожлантириш учун алоқани тартибга солиш соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш ва мустақамлашга интилиб,

алоқа соҳасидаги биргаликдаги дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш, технологиялар ва хизматлар бозорини ривожлантиришга кўмаклашишни кўзлаб,

Халқаро электралоқа иттифоқининг мақсад ва тамойиллари ҳамда иттифоқ томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларни эътиборга олиб,

1996 йил 21 июндаги Ўзбекистон Республикаси ва Европа ҳамжамятлари ҳамда уларнинг аъзо давлатлари ўртасидаги шерикчилик тўғрисидаги Битим қоидаларига ҳамда 2004 йил 30 апрелдаги унга илова қилинган Баённомага, шунингдек 1995 йил 7 июндаги Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Литва Республикаси Ҳукумати ўртасида таълим, фан ва технологиялар соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимга асосланиб,

ўз ваколатларига мувофиқ фаолият олиб бориб,

**қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

**1-модда**

Томонлар Ўзбекистон Республикаси ва Литва Республикаси миллий ҳуқуқий ҳужжатларини ҳамда Европа Иттифоқининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тартибга солиш чегараларида ушбу Битим, шунингдек томонларнинг халқаро мажбуриятлари доирасида алоқани тартибга солиш соҳасида ҳамкорликни амалга оширадилар.

**2-модда**

Томонлар Халқаро электралоқа иттифоқининг 1992 йил 22 декабрдаги Устав ва Конвенцияси, Халқаро электралоқа иттифоқининг Маъмурий регламентлари ва тавсиялари билан кўзда тутилган телекоммуникация хизматлари ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга кўмаклашадилар.

**3-модда**

Томонлар ўртасидаги ҳамкорлик йўналишлари алоқани тартибга солишга тааллуқли қуйидаги соҳалардан иборат:

а) маъмурий, иктисодий ва бошқа тўсиқларни бартараф этиш, хизматлар бо-

---

\* Имзоланган кундан кучга кирган.

зори ва алоқа ускуналарини ривожлантиришда кўмаклашиш учун алоқа соҳасида тажриба алмашиш;

б) бозордаги рақобатни мустаҳкамлаш мақсадида алоқани тартибга солиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, шунингдек либераллаштириш шароитларида тартибга солиш усуллари ва воситалари бўйича маслаҳатлашувларни ўтказиш;

в) қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича мунтазам ахборот алмашиш;

г) Томонлар вакилларининг тажриба алмашиш учун сафарлари, маслаҳатлашувлар, учрашувлар, семинарлар ва бошқа тадбирлар ўтказилишини ташкил қилиш;

д) коммуникация технологиялари ва хизматлар бозорини ривожлантириш соҳасида биргаликдаги дастурлар ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

#### **4-модда**

Томонлар ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида амалда бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ишга доир муносабатларни кенгайтирадилар, шу жумладан ишлаб чиқариш тажрибаси ва илмий-техник ахборотни алмашадилар.

#### **5-модда**

Ушбу Битимга унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланадиган баённомалар билан расмийлаштириладиган ўзаро мақбул ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Мазкур ўзгартишлар ушбу Битимнинг 9-моддасида белгиланган тартибда кучга киради.

#### **6-модда**

Томонлар миллий ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиб, бир-биридан олиннадиган ахборот, агар махфий хусусиятга эга бўлса ёки узатувчи Томон ошкор бўлишини истамаса, унинг конфиденциаллиги таъминланади. Ушбу Битимни амалга ошириш доирасида олинган махфий хусусиятга эга ахборот ошкор этилмаслиги лозим. У фақатгина ушбу Битимда кўзда тутилган мақсадлар учун фойдаланилиши мумкин. Бошқа Томондан олинган бундай ахборотни учинчи томонга, бошқа давлат идоралари ёки муассасаларга бериш учун ушбу ахборотни берган Томоннинг олдиндан ёзма розилиги талаб этилади.

#### **7-модда**

Ушбу Битим қоидаларини талқин қилиш ва қўллашда юзага келадиган Томонлар ўртасидаги барча низолар Томонлар ўртасида музокаралар ёки маслаҳатлашувлар ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

#### **8-модда**

Ушбу Битим қоидаларини амалга ошириш масалалари бўйича Томонлар ўртасидаги ёзишмалар инглиз ва рус тилларида амалга оширилади.

#### **9-модда**

Ушбу Битим номаълум муддатга тузилади ва имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Ушбу Битим Томонлардан бири бошқа Томонга дипломатик каналлар орқали

ушбу Битимнинг амал қилишини тўхтатиш нияти тўғрисида хабар бермагунга қадар амал қилади. Бундай ҳолда бошқа Томон бундай хабарни олгандан кейин бир ой ўтгач Битимнинг амал қилиши тўхтатилади. Битим бекор қилингунга қадар ушбу Битим билан кўзда тутилган ахборотни ошкор қилмаслик тўғрисидаги шартлар ушбу Битим амал қилиши тўхтатилгандан кейин ҳам амал қилади.

Агар Томонлар бошқача келишиб олмаган бўлсалар, ушбу Битим амал қилишининг тугатилиши унинг амал қилиши даврида бошланган ва амал қилиши тўхтатилиши пайтигача тугалланмаган қўшма дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишга таъсир қилмайди.

2007 йил 17 декабрда Вильнюсда икки нусхада, ҳар бири ўзбек, литва ва рус тилларида тузилди, бунда барча матн бир хил кучга эга. Ушбу Битим қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келса, рус тилидаги матндан фойдаланилади.

(имзолар)

#### СОГЛАШЕНИЕ\*

#### между Узбекским агентством связи и информатизации и Службой регулирования связи Литовской Республики о сотрудничестве в области регулирования связи

*Вильнюс, 17 декабря 2007 г.*

Узбекское агентство связи и информатизации и Служба регулирования связи Литовской Республики, далее именуемые Сторонами,

учитывая, что развитие телекоммуникаций и информационно-коммуникационных технологий является ключевым фактором развития торговых отношений и научно-технического сотрудничества между Сторонами, а также экономического и социального развития обеих сторон,

стремясь развивать и углублять взаимовыгодное сотрудничество в области регулирования связи для развития рынка телекоммуникаций обеих стран,

намереваясь содействовать реализации совместных программ и проектов, развитию технологий и рынка услуг в области связи,

принимая во внимание цели и принципы Международного союза электросвязи и принятые им правовые акты,

основываясь на положения Соглашения о партнерстве между Республикой Узбекистан и Европейскими сообществами и их государствами-членами от 21 июня 1996 года и Протокола к нему от 30 апреля 2004 года, а также Соглашения между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Литовской Республики о сотрудничестве в области образования, науки и технологий от 7 июня 1995 года, действуя в соответствии со своей компетенцией,

---

\* Вступило в силу со дня подписания.



**согласились о нижеследующем:**

#### **Статья 1**

Стороны осуществляют сотрудничество в области регулирования связи в рамках настоящего Соглашения в пределах регулирования национальных правовых актов Республики Узбекистан и Литовской Республики и нормативно-правовых актов Европейского Союза, а также международных обязательств сторон.

#### **Статья 2**

Стороны содействуют развитию услуг телекоммуникаций и информационно-коммуникационных технологий, предусмотренных Уставом и Конвенцией Международного союза электросвязи от 22 декабря 1992 года, Административными регламентами и рекомендациями Международного союза электросвязи.

#### **Статья 3**

Направления сотрудничества между Сторонами включают следующие области, относящиеся к регулированию связи:

- а) обмен опытом в области связи для содействия в устранении административных, экономических и других барьеров, развитии рынка услуг и оборудования связи;
- б) проведение консультаций по совершенствованию нормативно-правовой базы в области регулирования связи с целью укрепления конкуренции на рынке, а также по методам и средствам регулирования в условиях либерализации;
- в) регулярный обмен информацией по принятым нормативно-правовым актам;
- г) организация поездок представителей Сторон для обмена опытом, проведения консультаций, встреч, семинаров и других мероприятий;
- д) разработка и реализация совместных программ и проектов в области развития коммуникационных технологий и рынка услуг.

#### **Статья 4**

Стороны способствуют расширению деловых контактов между хозяйственными субъектами, действующими в области информационно-коммуникационных технологий, в том числе обмену производственным опытом и научно-технической информацией.

#### **Статья 5**

В настоящее Соглашение Сторонами могут вноситься взаимоприемлемые изменения и дополнения, оформляемые протоколами, которые будут являться его неотъемлемой частью. Эти изменения вступают в силу в порядке, установленном Статьей 9 настоящего Соглашения.

#### **Статья 6**

Стороны, руководствуясь национальными правовыми актами, будут обеспечивать конфиденциальность информации, получаемой друг от друга, если эта информация носит секретный характер или передающая Сторона считает нежелательным ее разглашение. Информация секретного характера, полученная в рамках осуществления настоящего Соглашения, не подлежит разглашению. Она может быть использована только для целей, предусмотренных настоящим Соглашением. Для

передачи третьей стороне, другим государственным органам или убеждениям такой информации, полученной от другой Стороны, требуется предварительное письменное согласие Стороны, передавшей эту информацию.

#### **Статья 7**

Любые споры между Сторонами, возникающие в связи с толкованием и применением положений настоящего Соглашения, разрешаются путем переговоров или консультаций между Сторонами.

#### **Статья 8**

Переписка между Сторонами по вопросам реализации положений настоящего Соглашения осуществляется на английском и русском языках.

#### **Статья 9**

Настоящее Соглашение заключается на неопределенный срок и вступает в силу с даты его подписания.

Настоящее Соглашение продолжает действовать до тех пор, пока одна из Сторон не сообщит другой Стороне по дипломатическим каналам о своем намерении прекратить действие настоящего Соглашения. В этом случае действие настоящего Соглашения прекращается по истечении одного месяца, следующего за днем получения другой Стороной такого уведомления. Условия о неразглашении информации, предусмотренные в настоящем Соглашении до его расторжения, действуют и после прекращения действия настоящего Соглашения.

— Прекращение действия настоящего Соглашения не приостанавливает выполнение совместных программ и проектов, начатых в период действия настоящего Соглашения и незавершенных на дату прекращения его действия, если Стороны не договорились об ином. +

Совершено в городе Вильнюсе 17 декабря 2007 года в двух экземплярах, каждый на узбекском, литовском и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую силу. В случае расхождений в толковании положений настоящего Соглашения будет использован текст на русском языке.

(подписи)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Миср Араб  
Республикаси Ҳукумати ўртасида уюшган жиноятчилик ва  
терроризмга қарши курашиш тўғрисида  
БИТИМ**

*Қоҳира, 2007 йил 18 апрель*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 3 июлдаги  
ПҚ-666-сон қарори\* билан тасдиқланган*

*(2007 йил 25 декабрдан кучга кирган)\*\**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Миср Араб Республикаси Ҳукумати, бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар, жинойий фаолиятнинг барча шакллариغا, хусусан, терроризм, трансмиллий ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилишга интилиб, мазкур жиноятлар ва ҳаракатларнинг тинчликка, барқарорликка, хавфсизликка таҳдид солаётганидан ташвишланиб, юқорида кўрсатилган жиноятларга қарши таъсирчан чора-тадбирлар кўриш зарурлигига ишонч ҳосил қилиб, Томонлар қўшилган тегишли Халқаро конвенцияларни эътиборга олиб, тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик тамойиллардан ва шунингдек жиноятчиликка қарши самарали кураш олиб бориш ўзаро хоҳишларидан келиб чиқиб, **қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

**1-модда**

1. Томонлар ўзларининг ваколатли органлари орқали, ушбу Битим қоидаларига мувофиқ ўз давлатларининг миллий қонунчилиги ва халқаро мажбуриятларига риоя қилиб, уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашишда ҳамкорлик қиладилар.

2. Ушбу Битимнинг мақсадларини амалга ошириш учун қуйидагилар ваколатли органлар ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси учун:

Ички ишлар вазирлиги;  
Миллий хавфсизлик хизмати;  
Бош Прокуратура;  
Давлат солиқ қўмитаси;  
Давлат божхона қўмитаси.

Миср Араб Республикаси учун:

Ички ишлар вазирлиги.

3. Ушбу Битимни бажариш мақсадида ваколатли органлар бир-бирлари билан бевосита алоқа боғлайдилар.

---

\* Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 7-сон, 355-модда

\*\* Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг ички процедураларини бажарганлиги тўғрисида 2007 йил 5 июлдаги 05/15989-сонли нотаси. Миср Араб Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2007 йил 25 декабрдаги 1724-сонли нотаси.

**2-модда**

Томонлар ўз ваколатли органлари орқали ушбу Битим доирасида, ўз ваколатлари, ўз давлатлари миллий қонунчилиги ва қоидалари доирасида қуйидаги соҳаларда ҳамкорлик қилиш тўғрисида келишиб олдилар:

**А) Терроризм**

1. Террористлар гуруҳларининг фаолияти ва жиноятлари, уларнинг ўзаро алоқалари, раҳбарлари, аъзолари, махфий ташкилотлари тузилиши, ишлатаётган қуроллари ва уларнинг молиявий таъминлаётган манбалари тўғрисида ахборот алмашиш.

2. Ўз ваколатли органларининг аксилтеррор фаолиятларида қўллаётган турли усуллари ва техникаси тўғрисида ахборот алмашиш.

3. Кучайиб бораётган терроризм таҳдиди билан курашиш учун аэропортлар, темир йўл станциялари, метрополитенлар ва бошқа жамоат жойларининг хавфсизлиги ва химоя қилиш чора-тадбирларини такомиллаштириш мақсадида ҳаво ва темир йўл транспорти химояси ва хавфсизлиги соҳасида илмий ва техникавий тажриба алмашиш.

**Б) Трансмиллий ва уюшган жиноятчилик**

1. Трансмиллий ва уюшган жиноятчилик, уларнинг раҳбарлари, аъзолари, тузилиши, фаолияти ва алоқалари тўғрисида ахборот ва маълумот алмашиш.

2. Ўз ваколатли органлари фаолиятининг ҳозирги замон усуллари ва техникаси тўғрисида ахборот ва тажриба алмашиш.

3. Жиноятчиликка, хусусан одам ўғирлаш, жинсий ва бошқа йўсинда мажбурлаш учун одамларни ёллаш, пулларни контрабанда қилиш ва жиний фаолиятдан олинган даромадларни ошкоралаштириш (легаллаштириш), ҳужжатларни қалбакилаштириш, ноёб буюмлар ва санъат асарларини контрабанда қилиш, транспорт воситаларининг ноқонуний савдосига қарши курашишда ахборот ва тажриба алмашиш, шунингдек биргаликда чора-тадбирлар кўриш ва иккала давлат фуқароларини ўз ичига олган, амалдаги ва қонуний фаолият кўрсатаётган инвестиция муассасалари тўғрисида ахборот билан таъминлаш.

**С) Наркотик воситаларининг, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний ишлаб чиқарилиши ва ноқонуний айланиши**

1. Наркотиклар ва психотроп моддаларни ноқонуний ишлаб чиқариш, айлантириш ва суиистеъмол қилиш билан боғлиқ жиноятлар ва бошқа уларга тааллуқли жиноятлар тўғрисида ахборот ва маълумот алмашиш.

2. Наркотик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг янги турлари тўғрисида ахборот алмашиш ва шунингдек, бундан моддаларни қидириш, топиш ва намуналарини алмашиш билан боғлиқ бўлган замонавий технологиялар ва усуллар бўйича тажриба алмашиш.

3. Тезкорлик масалалари бўйича, шу жумладан алоҳида ишларда Томонлар ўртасида келишилган ҳолда «Назорат остида етказиб бериш» каби масалаларни тергов қилиш усули бўйича ўзаро ёрдам кўрсатиш.

4. Ушбу соҳада ички қонунчилик ва ҳуқуқий тартибларга оид адабиётлар ва матнлар билан алмашиш.

### 3-модда

1. Томонлар ўзларининг ваколатли органлари орқали ва ўз давлатларининг қонунчилиги ва қоидаларига мувофиқ ҳамкорликни мустақкамлайдилар ҳамда юқорида кўрсатилган жиноятларга алоқадор жиноятчиларни қидиришда ва қамокқа олишда кўмаклашадилар.

2. Ушбу Битим жиний ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва экстрадиция масалаларига дахл қилмайди.

### 4-модда

Томонлар барча шакллардаги террористик ҳаракатлар, трансмиллий ва уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш учун ва шунингдек ўз ҳудудларидан бундай жиноятларни режалаштириш, уюштириш ёки содир қилиш учун фойдаланмаслик бўйича, шу жумладан уларнинг мамлакатларига террористик ва жиний унсурлар гуруҳ бўлиб ёки яққа ҳолда киришининг ёки туришининг, молиявий ёрдам олишининг, жисмоний ёки ҳарбий тайёрланишининг олдини олиш бўйича қаттиқ ва таъсирчан чора-тадбирлар кўрадилар.

### 5-модда

Томонлар қуйидаги соҳаларда ҳамкорлик қиладилар:

1. Экспертлар ва мутахассислар билан алмашиш ва шунингдек уюшган жиноятчиликка қарши курашда ва ушбу Битимнинг 2-моддасида кўрсатилган жиноятларни тергов қилишда қўлланадиган энг янги усулларга ўргатиш учун иш тажрибасини алмашиш.

2. Таълим ва мутахассисларни ва техникларни тайёрлаш соҳасида тажриба алмашиш, шунингдек махсус институтлар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш.

3. Жиноятчиликка қарши курашнинг юқорида кўрсатилган соҳаларга ва хавфсизликнинг бошқа соҳаларига оид нашрлар, тадқиқот ишлари ва китоблар билан алмашиш, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида шу соҳада ўтказиладиган семинарлар ва конференцияларда иштирок этиш.

### 6-модда

1. Терроризм, уюшган жиноятчилик, наркотик воситалар ва психотроп моддаларининг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича ҳамкорлик қилиш учун Томонлар Қўшма қўмита тузадилар.

2. Қўшма қўмитанинг ҳуқуқий мақоми ва иш тартиби алоҳида протоколлар доирасида белгиланади.

3. Бу мажлисларнинг молиявий ва моддий харажатларини қабул қилувчи Томон тўлайди. Халқаро транспорт йўл кирасини жўнатувчи Томон тўлайди.

### 7-модда

1. Ушбу Битим доирасидаги ҳамкорлик Томонлар ваколатли органларининг сўровлар асосида амалга оширилади.

2. Бундай сўровларни Томонлар ваколатли органлари ёзма шаклда расмийлаштиришлари керак.

3. Кўмаклашиш тўғрисидаги сўровда қуйидагилар бор бўлиши керак:

а) сўраётган орган номи;

б) сўралаётган орган номи;

в) масаланинг моҳияти баёни ва унинг асослилиги ва шунингдек сўровни бажариш учун зарур ахборот.

4. Сўровни бажаришга рад жавоби бериш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда сўраётган Томон рад жавобининг сабаби тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинади.

#### **8-модда**

Томонлар махфий ахборотни бошқа Томоннинг рухсатисиз ошкор қилмайдилар.

Ушбу Битим доирасида олинган материаллар, ахборот, илғор техника воситалари ва ускуналар уларни берган бошқа Томоннинг дастлабки ёзма розилигисиз учинчи Томонга тақдим этилмаслиги ва берилмаслиги керак.

#### **9-модда**

Томонлар ушбу Битим доирасидаги ҳамкорликни амалга ошириш учун инглиз тилидан фойдаланадилар.

#### **10-модда**

Ушбу Битим Томонларнинг ўзлари иштирок этаётган бошқа халқаро битимлардан келиб чиқадиган мажбуриятларига дахл қилмайди.

#### **11-модда**

— Томонларнинг ўзаро ёзма келишувига кўра, ушбу Битимга унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. +

#### **12-модда**

Ушбу Битимни талқин қилиш ва қўллаш билан боғлиқ бўлган барча низолар Томонлар ўртасида маслаҳатлашувлар ва музокаралар орқали ҳал этилади.

#### **13-модда**

Ушбу Битимни бажариш мақсадида Томонларнинг ваколатли органлари идоралараро баённомалар тузишлари мумкин.

#### **14-модда**

Агар ўзгача келишиб олинмаган бўлса, ҳар бир Томон ушбу Битим қоидаларини бажаришда юзага келадиган харажатларни мустақил равишда қоплайдилар.

Зарурат юзага келганда Томонлар бир-бирига беғараз ёрдам кўрсатишлари мумкин, шу жумладан жиноятчиликка қарши курашда аниқ вазифаларни бажариш учун зарур ускуна ва материалларни беришлари мумкин.

#### **15-модда**

Ушбу Битим Томонлар унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларини бажарганликлари тўғрисида дипломатик каналлар орқали охириги ёзма хабарнома олинган санадан бошлаб кучга киради.

Ушбу Битим беш йил муддатга тузилади ва Томонлардан бири унинг амал

қилишини тўхтатиш нияти тўғрисида ёзма равишда хабардор қилмаса, у кейинги беш йиллик муддатларга ўз-ўзидан узаяверади.

Мазкур Битимнинг амал қилиши бошқа Томон тегишли нота олгандан олти ой ўтгандан кейин тугатилади.

Қоҳира шаҳрида 2007 йил 18 апрелда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, араб ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Ушбу Битим қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолда, инглиз тилидаги матн асос сифатида қабул қилинади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги  
билан Миср Араб Республикаси Тарбия ва таълим  
вазирлиги ўртасида  
АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМ\***

*Қоҳира, 2007 йил 26 декабрь*

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Миср Араб Республикаси Тарбия ва таълим вазирлиги қуйида «Томонлар» деб аталувчилар,

Томонлар ўртасида умумтаълим соҳасидаги ўзаро алоқаларни яхшилаш мақсадида,

Шунингдек, давлатлар ва фуқаролар ўртасида дўстлик анъаналари ва яратувчанлик тамойилларига асосланган ўзаро муносабат ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун,

Таълим соҳасидаги ҳамкорлик икки давлат ўртасидаги мустаҳкам алоқаларни шакллантириш мақсадида ўзаро алоқалар ўрнатишга имконият яратиш учун,

**қуйидагилар тўғрисида келишдилар:**

**1-модда**

Томонлар ҳужжатлар, тадқиқот ишлари, ўқув режалари ҳамда умумий ва техник таълим соҳасидаги дастурлар бўйича ўзаро алмашинувни амалга оширишни рағбатлантирадилар.

**2-модда**

Томонлар технология тараққиёти, масофадан ўқитиш ва компьютердан фойдаланиш соҳасида тажриба алмашинувини қўллаб-қувватлайдилар.

**3-модда**

Томонлар икки давлат таълим тизими билан танишиш мақсадида умумтаълим мактаблари делегацияларининг ташрифлари алмашинувини қўллаб-қувватлайдилар.

\* Имзоланган кундан кучга кирган.

**4-модда**

Миср томони сўровномага биноан — Ўзбекистон мактабларида араб тилини ўқитиш мақсадида араб тили ўқитувчилари билан таъминлайди.

Миср томони иш жараёнининг бошидан охиригача мазкур ўқитувчиларга турар жой ва чипта харажатларига қўшиб, ойлик иш ҳақи билан таъминлашга масъулдир.

Ўзбекистон томони араб тили ўқитувчилари ва уларнинг оила аъзоларига визалар бериш ва виза муддатини узайтириш шунингдек уларни вақтинча қайддан ўтказиш ва вақтинча қайддан ўтказиш муддатини узайтириш учун олинадиган тўловлардан озод қилади.

**5-модда**

Томонлар ёшларга икки давлат ҳақида овозли фикрларни тақдим этиш мақсадида ҳар икки давлатнинг ўқув режалари тўғрисидаги тарихий ва географик маълумотлар алмашинувини рағбатлантирадилар.

**6-модда**

Томонлар болаларнинг санъаткорлик қобилиятларини очиш мақсадида улар чизган расмлар ва санъат асарларини алмашишади.

**7-модда**

Томонлар қобилиятли ва имконияти чекланган болаларга ҳомийлик қилиш соҳасида ҳамкорлик қиладилар.

**8-модда**

Ушбу Англашув Меморандуми имзоланган кундан кучга киради ва 5 (беш) йил муддатга тузилади ҳамда Томонлардан бири унинг амал қилинишини тўхтатиш нияти тўғрисида бошқа Томонни тегишли муддат тугашидан олти ой илгари ёзма равишда хабардор қилмагунича, Меморандумнинг амал қилиш муддати ўз-ўзидан яна беш йилга узайтирилади.

Ушбу Англашув Меморандумини талқин қилиш ва қўллаш билан боғлиқ бўлган барча келишмовчиликлар ўзаро маслаҳатлашув ва музокаралар орқали ҳал қилинади.

Қоҳира шаҳрида 2007 йил 26 декабрда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, араб ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Ушбу Меморандум қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келганда, инглиз тилидаги матн асос сифатида қабул қилинади.

(имзолар)



**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Корея  
Республикаси Ҳукумати ўртасида Ўзбекистонда  
профессional таълимнинг имкониятларини ривожлантириш  
бўйича лойиҳани амалга ошириш тўғрисидаги  
КЕЛИШУВ\***

*Тошкент, 2007 йил 28 декабрь*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Корея Республикаси Ҳукумати, бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар,

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Корея Республикаси Ҳукумати ўртасидаги 1992 йилнинг 17 июнида имзоланган «Илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида»ги Битимнинг 3 моддасига мувофиқ,

Техник ёрдамга йўналтирилган лойиҳаларнинг самарадорлиги ва тизимлилиги таъминлаш йўли билан икки мамлакат ўртасида илмий-техникавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида,

**қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

1. «Ўзбекистонда профессионал таълимнинг имкониятларини ривожлантириш» бўйича лойиҳани (бундан кейин — «Лойиҳа») амалга ошириш мақсадида, Корея Республикаси Ҳукумати Корея Республикасининг тегишли қонунлари ва қоидаларига асосан, ҳамда бюджет чекловлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига 4 млн. АҚШ долл. миқдорида бегараз ёрдам тақдим этмоқда (бундан кейин — «Грант»).

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Грантдан фақат Ўзбекистонда профессионал таълимнинг имкониятларини ривожлантиришни яхшилаш мақсадида фойдаланади.

3. Корея Республикаси Ҳукумати лойиҳани амалга ошириш бўйича лозим бўлган ишларни бажаришга масъул ташкилот сифатида Корея халқаро ҳамкорлик уюшмасини (бундан кейин — «КОЙКА») тайинлайди. КОЙКА, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда, лойиҳани амалга оширишнинг барча ҳолатлари бўйича қўшма Баённомани тайёрлайдилар ва имзолайдилар.

4. (1) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қуйидаги зарур чора-тадбирларни кўради:

(а) мазкур Грант доирасида етказиб бериладиган асбоб-ускуна ва материалларни ўз вақтида божхона расмийлаштирувидан ўтказиш ва Ўзбекистон Республикаси ичида транспорт орқали ташувини таъминлаш;

(б) Корея Республикаси Ҳукуматининг Гранти ҳисобидан тақдим этиладиган асбоб-ускуналар, материаллар ва хизматларга нисбатан Ўзбекистон Республикасида қўлланилиши мумкин бўлган божхона божлари, ички солиқлар ва бошқа тўловлардан озод этиш;

(в) КОЙКА билан тузилган шартномаларга мувофиқ лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи Корея фуқароларини Ўзбекистон Республикасида уларнинг даромадлари ва мол-мулкига нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган божхона божлари, ички солиқлар ва бошқа йиғимлардан озод этиш;

(г) (в) бандда қайд этилган Корея фуқароларига лойиҳа доирасида КОЙКА билан тузилган шартномаларга мувофиқ ишларни бажариш учун Ўзбекистонга кириш ва унда бўлиш учун лозим бўлган шарт-шароитларни яратиб бериш;

\* Имзоланган кундан кучга кирган.

(д) Грант доирасида лойиҳани амалга ошириш учун тақдим қилинган асбоб-ускуна ва материалларни тегишли тарзда сақлаш ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш; ва

(е) лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган ва Грант томонидан қопланиши кўзда тутилмаган барча харажатларни қоплаш.

(2) Грант доирасида тақдим этилган асбоб-ускуналар ва материаллар Ўзбекистон Республикасидан реэкспорт қилиниши мумкин эмас.

5. Ушбу Келишув билан боғлиқ туғиладиган барча саволлар юзасидан Томонлар ўзаро маслаҳатлашиб оладилар.

6. (а) Ушбу Келишув имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

(б) Ушбу Келишув 2010 йил 31 декабргача кучга эга бўлади, агарда Томонлардан бири камида 6 ой олдин Келишувни тўхтатиш нияти тўғрисида бошқа томонни ёзма равишда дипломатик каналлар орқали хабардор қилган тақдирда ўз кучини йўқотади.

(в) Ушбу Келишувнинг тўхтатилиши мазкур Келишув бўйича бажарилаётган ва Келишувнинг амал қилиш муддати тугагунга қадар ниҳоясига етказилмаган лойиҳани тугатилишига таъсир қилмайди.

(г) Икки томоннинг келишувига биноан ушбу Келишувга дипломатик каналлар орқали Алмашув ноталари шаклида тузатишларни киритиш мумкин.

Юқоридагиларни тасдиқлаб, ўз ҳукуматлари томонидан тегишли ваколат олган қуйидаги имзо чекувчилар ушбу Келишувни имзоладилар.

Тошкент шаҳрида 2007 йил 28 декабрда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, корейс ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга. Ушбу Келишув қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар пайдо бўлса, Томонлар инглиз тилидаги матнга мурожаат қиладилар.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Корея  
Республикаси Ҳукумати ўртасида Ўзбекистонда тез тиббий  
ёрдам хизматининг транспорт тизимини такомиллаштириш  
бўйича лойиҳани амалга ошириш тўғрисида  
КЕЛИШУВ\***

*Тошкент, 2007 йил 28 декабрь*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Корея Республикаси Ҳукумати, бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар,

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Корея Республикаси Ҳукумати ўртасидаги 1992 йилнинг 17 июнида имзоланган «Илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида»ги Битимнинг 3-моддасига мувофиқ,

Техник ёрдамга йўналтирилган лойиҳаларнинг самарадорлиги ва тизимлилиги

\* Имзоланган кундан кучга кирган.

ни таъминлаш йўли билан икки мамлакат ўртасида илмий-техникавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида,

**қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

1. «Ўзбекистонда тез тиббий ёрдам хизматининг транспорт тизимини такомиллаштириш» бўйича лойиҳани (бундан кейин — «Лойиҳа») амалга ошириш мақсадида, Корея Республикаси Ҳукумати Корея Республикасининг тегишли қонунлари ва қоидаларига асосан, ҳамда бюджет чекловлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига 2,5 млн. АҚШ долл. миқдорида беғараз ёрдам тақдим этмоқда (бундан кейин — «Грант»).

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Грантдан фақат Ўзбекистонда тез тиббий ёрдам хизматининг транспорт тизимини такомиллаштириш мақсадида фойдаланади.

3. Корея Республикаси Ҳукумати лойиҳани амалга ошириш бўйича лозим бўлган ишларни бажаришга масъул ташкилот сифатида Корея халқаро ҳамкорлик уюшмасини (бундан кейин — «КОЙКА») тайинлайди. КОЙКА, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда, лойиҳани амалга оширишнинг барча ҳолатлари бўйича қўшма Баённомани тайёрлайдилар ва имзолайдилар.

4. (1) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қуйидаги зарур чора-тадбирларни кўради:

а) мазкур Грант доирасида етказиб бериладиган тез тиббий ёрдам автотранспорт воситаларини ўз вақтида божхона расмийлаштирувидан ўтказиш ва Ўзбекистон Республикаси ичида транспорт орқали ташувини таъминлаш;

б) Корея Республикаси Ҳукуматининг Гранти ҳисобидан тақдим этиладиган тез тиббий ёрдам автотранспорт воситалар ва хизматларга нисбатан Ўзбекистон Республикасида қўлланилиши мумкин бўлган божхона божлари, ички солиқлар ва бошқа тўловлардан озод этиш;

в) КОЙКА билан тузилган шартномаларга мувофиқ лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи Корея фуқароларини Ўзбекистон Республикасида уларнинг даромадлари ва мол-мулкига нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган божхона божлари, ички солиқлар ва бошқа йиғимлардан озод этиш;

г) в) бандда қайд этилган Корея фуқароларига лойиҳа доирасида КОЙКА билан тузилган шартномаларга мувофиқ ишларни бажариш учун Ўзбекистонга кириш ва унда бўлиш учун лозим бўлган шарт-шароитларни яратиб бериш;

д) Грант доирасида лойиҳани амалга ошириш учун тақдим қилинган тез тиббий ёрдам автотранспорт воситаларни тегишли тарзда сақлаш ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш; ва

е) лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган ва Грант томонидан қопланиши кўзда тутилмаган барча харажатларни қоплаш.

(2) Грант доирасида тақдим этилган тез тиббий ёрдам автотранспорт воситалар Ўзбекистон Республикасидан реэкспорт қилиниши мумкин эмас.

5. Ушбу Келишув билан боғлиқ туғиладиган барча саволлар юзасидан Томонлар ўзаро маслаҳатлашиб оладилар.

6. (а) Ушбу Келишув имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

(б) Ушбу Келишув 2008 йил 31 декабргача кучга эга бўлади, агарда Томонлардан бири камида 6 ой олдин Келишувни тўхтатиш нияти тўғрисида бошқа томонни ёзма равишда дипломатик каналлар орқали хабардор қилган тақдирда ўз кучини йўқотади.

(в) Ушбу Келишувнинг тўхтатилиши мазкур Келишув бўйича бажарилаётган

ва Келишувнинг амал қилиш муддати тугагунга қадар ниҳоясига етказилмаган лойиҳани тугатилишига таъсир қилмайди.

(г) Икки томоннинг келишувига биноан ушбу Келишувга дипломатик каналлар орқали Алмашув ноталари шаклида тузатишларни киритиш мумкин.

Юқоридагиларни тасдиқлаб, ўз ҳукуматлари томонидан тегишли ваколат олган қуйидаги имзо чекувчилар ушбу Келишувни имзоладилар.

Тошкент шаҳрида 2007 йил 28 декабрда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, корейс ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга. Ушбу Келишув қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар пайдо бўлса, Томонлар инглиз тилидаги матнга мурожаат қиладилар.

(имзолар)

—

+

+

-

-

+

+

-

67.412.1

Ў 32

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРИ ТЎПЛАМИ**

**Ў 32** Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами / Сборник международных договоров Республики Узбекистан. 4 (16)-сон, 2007, / Таҳрир кенгаши: Р.А.Муҳитдинов, А.А.Ахмедов, Е.С.Канъязов ва бошқ. — Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2008. — 112 б.

**ББК 67.412.1**

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2008 й.

**Таҳрир кенгаши:**

*Р.А.Муҳитдинов, В.И.Норов, А.А.Ахмедов,  
Е.С.Канъязов, И.Т.Неъматов, М.М.Икромов,  
А.М.Инанбабаев, К.К.Рашидов, Ф.А.Вахобов*

---

Таҳририят манзили:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 5.  
Тел.: 233-73-28, 236-73-98.

---

**Нашрга тайёрлаганлар:**

*М.И.Ишбеков, А.И.Ўралов,  
Д.С.Саъдуллаев, В.Н.Хошимов*

**Компьютерда саҳифаловчи:** *Ш.Ш.Қурбонбоев*  
**Мусаҳҳихлар:** *Д.Д.Дўстжонова, С.В.Артикова*

---

Босишга рухсат этилди 27.03.2008. Бичими 70×108<sup>1</sup>/16.  
Хажми 7,0 б.т. Адади 515 нусха.

«КОҶИ NUR» босмахонасида чоп этилди, Тошкент ш., Муқимий, 178.  
188 — 515 нусха — 2008 йил